




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**



**“ЎСМИРЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: Психология таълим
йўналиши битирувчи 4 курс

талабаси Гулбоева М. _____

ИЛМИЙ РАХБАР:

Ўқитувчи Шаббазова Д.Р. _____

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси «___» _____ 2013 йил

Термиз - 2013

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	3
I БОБ	Ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик муаммолари	6
I.1	Ўсмирлик даврининг ижтимоий психологик хусусиятлари тавсифи.	6-14
I.2	Ижодий қобилият муаммосининг жаҳон психологлари томонидан ўрганилиши.	14-27
II БОБ	Ўсмирлар ижодий қобилияти диагностикаси.	28
II.1	Ўсмирларнинг ижодий ривожланишида қобилият ва истеъдоднинг ўрни.	28-40
II.2	Ўсмирларнинг ижодий қобилиятини диагностика қилишнинг психологик усуллари ва мезонлари.	41-53
II.3	Ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантиришда психологик масалалардан фойдаланиш.	53-61
	Хулоса	62
	Тавсиялар	63
	Фойдаланилган адабиётлар	64-65
	Илова	66

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ёш авлодни тарбиялаш мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ёшларни ақлан ва жисмонан баркамол, ақлан етук, маънавий пок қилиб тарбиялаш ҳозирги кунда муҳим ва долзарб муаммолардан бири, давр ва бугунги турмушимизнинг тақозосидир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлагинидек, Ватанимиз келажаги ислохотларнинг тақдири ва уларнинг натижалари, халқимизнинг билим даражаси давр талабига ва тарраққиётига қанчалик мослигига, қандай мутахассислар етказиб бериб, ўрнимизни эгаллашларига боғлиқдир. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбарияти таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қатъий эътибор қаратапти. Шунга кўра, юқори малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасидага кўтарилмоқда.

Юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашга эришиш учун таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос талаблари мавжуд:

Биринчидан, ўқувчи-талабаларнинг касбий билимларни ўзлаштириш даражаси давлат тармоқ таълим стандартлари талабларига мослигини таъминлаш.

Иккинчидан, ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижодий фаоллигини давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакалари доирасини тўлиқ қамраб олишга эришиш.

Шунингдек, давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакалари доирасидан ташқари фундаментал ва ахборот технологияларига доир билимларни ўзлаштириш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш билан юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш шартлари ҳисобланади.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойилларидан бири, таълимнинг устуворлиги – унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузидир.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс - фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шундай экан, ўсмир ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятини ўрганиш ва ривожлантиришнинг психологик воситаларини тадқиқ этиш ҳозирги кунда психологиянинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: Ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий психологик хусусиятлари назарий ва амалий ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Кузатиш методи ёрдамида ўсмирларнинг мустақил фаолият турларини ўрганиш.
- Ўсмирларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш манбаларини яратиш.
- Ўсмирларнинг ижодий салоҳиятини ошириш усулларини ишлаб чиқиш.
- Ўсмирларнинг ижодий салоҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб чиқиш;

Тадқиқотнинг предмети. Ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий психологик хусусиятларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантириш жараёни, интеллектуал салоҳиятини ошириш имкониятлари.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Агар: ўсмирлар ижодий қобилиятини психодиагностик усуллар орқали аниқлаш эҳтимоли мавжуд. Ўсмир ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини психологик масалалар ёрдамида ижодий фаоллиги ошириш мумкин.

Тадқиқотда қўлланиладиган методлар:

Кузатиш методи, суҳбат методи, Дж.Гилфорднинг “Креатив тафаккур” тести, психологик масалалар.

Битирув малакавий ишнинг назарий аҳамияти:

Битирув малакавий ишда ўсмирларнинг ижодий қобилияти ва ўсмир ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари тавсифи ҳамда ўсмирлар ижодий қобилиятини диагностика қилиш ва ривожлантириш усулларини тадқиқ этиш бўйича тўпланган назарий материаллардан талабалар курс ишлари, мустақил иш топшириқлари, илмий амалий анжуманларга тайёргарлик кўришда назарий манба бўли хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти:

Битирув малакавий ишда тўпланган назарий материаллар ҳамда қўлланилган диагностик методикалар ва ривожлантирувчи психологик масалалар тўпламидан амалиётчи психологлар ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлиги ишнинг амалий қийматини оширади.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги.

Ушбу битирув малакавий ишда ўсмир ўқувчиларнинг ижодий қобилияти психодиагностик методикалар ёрдамида текшириб, уларни ривожлантиришда психологик масалалардан ривожлантирувчи усул сифатида қўлланилганлиги ишнинг янгили ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши: Битирув малакавий иш икки боб, беш параграф, хулоса ва тавсиялар, адабиётлар рўйхатидан тузилган бўлиб, 65 бетдан иборат.

I БОБ. ЎСМИРЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

I.1. Ўсмирлик даврининг ижтимоий психологик хусусиятлари тавсифи

Ўсмирлик инсонни балоғатга етиш даври бўлиб, ўзига хос хусусияти билан камолотнинг бошқа поғоналаридан кескин фарқ қилади. Ўсмирда рўй берадиган биологик ўзгаришлар натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуқтаси вужудга келади. Балоғат даврига 11-15 ёшли қизлар ва ўғил болалар кирадилар. Камолотнинг мазкур палласида жисмоний ўсиш ва жинсий етилиш амалга ошади.

Ўсмирлик ёшида фақат жисмоний тарақиёт юзага келмай, балки боланинг шахси ҳам сезиларли ривожланади. Бола шахсининг ривожланиши теварак-атрофдаги воқеликнинг таъсири ортида мактабдаги, таълим тарбия жараёнининг таъсирида, жамоа ва тарбиячиларнинг ғоявий раҳбарлиги остида амалга ошади.

Ўсмирлик ёши хатти-ҳаракатларида суяна бошлайдиган дунёқарашларнинг, маънавий эътиқод, принцип қоида, идеалларининг, баҳолаш мулохазалари системасининг таркиб топиши давридир. Агар кичик мактаб ёшидалиқ даврида у ёки катталарнинг, яъни ўқитувчилар ва оналарнинг бевосита кўрсатмалари билан, ёки ўзининг тасодифий ва импульсив истаклари таъсири билан ҳаракат қилган бўлса, эндиликда унинг учун ўз хатти-ҳаракатларининг принципи, ўзининг қарашлари ва эътиқодлари асосий аҳамият касб этади. Ўқитувчи ва тарбиячи шуни назарда тутиши лозимки, худди ана шу ёшда ахлоқий онг тараққиётига замин қўйилади.

Ўсмирлик ёшида, яъни одам шахс сифатида таркиб топаётган бир пайтда ўзини катталардек ҳис қилиши, катталарнинг иродаларга қарши тура олишини англаш муҳимдир.

Ўсмирларни ҳали тўла катта деб ҳисоблаб бўлмайди. Чунки уларнинг шахсий хусусиятларида болаликни кузатиш мумкин. Бу уларнинг

фикрларида бераётган баҳоларида, ҳаётга ва ўз келажаклари муносабатларида кўзга ташланади. Кўпчилик ўсмирлар мактабни тугатиш вақтига келиб ҳам касб танлашга нисбатан маъсулиятсиз ёндошадилар. Бу давр ўсмирнинг ахлоқан ўз-ўзини англаши шунингдек, ахлоқнинг янги босқичига ўтиши билан характерланади. Интеллекти яхши ривожланган ўсмирлар катталарни ташвишга солаётган масала муаммоларини тушина оладилар ва уларни муҳокама эта оладилар. Ўсмирлар жуда кўп муаммоли саволларга жавоб ўйлайдилар. Уларнинг диққатини кўпроқ ахлоқий масалалар тортади. Бугунги ўсмирларга ҳаётга нисбатан хушёр, ақлий – амалий қараш, эркинлик ва мустақиллик хос. Уларт ҳаққоний бўлиш тушунчасига ҳам реал тарзда ёндошмоқдалар. Ўсмирларда ахлоқий дунёқараш билан бир қаторда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, диний ва бошқа соҳалар бўйича маълум бир қарашлар вужудга келади. Жуда кўп йиллардан бери ўсмирларни яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ноқонунийлик, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик масалалари ташвишлантириб келади. Ҳозирги давр ўсмирлари ҳар бир нарсага ишонувчан ёки салбий муносабат хос бўлмай, балки ҳаётга реал, ақлий, амалий қарайдиган, кўпроқ эркин ва мустақил бўлишга интилуви ёшларидир.

Ўсмирлар онгли равишда эгалланган ахлоқ нормалари асосида ўз хатти-ҳаракатларини йўлга солишига интиладилар. Бу эса, аввало ўсмирнинг ўзини англашининг ўсишида намоён бўлади. Ўзини англаш мураккаб психологик структура бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчидан, болада ташқи оламдаги предмет таъсиридан пайдо бўлган сезгилари ўз танаси билан фарқ қила бошлаганда вужудга келади.

Иккинчидан, ўзининг шахсий «Мен»лигини актив фаолияти асосида англаши.

Учинчидан, ўзининг психик хусусияти ва ҳислатларини англаши.

Тўртинчидан, ижтимоий, ахлоқий ўз-ўзига баҳо беришнинг маълум системасини англаши. Мана шу элементларни барчаси бир-бири билан функционал ва генетик боғлангандир. Лекин буларни ҳаммаси сизга

маълумки, бир вақтнинг ўзида шаклланмайди. Боланинг «мен»лигини англаши тахминан 3 ёшда пайдо бўлади, бунда бола шахсий олмошни ишлата бошлайди. Масалан: мен, меники, мендан ва х.о. ўзининг психик сифатларини англаш ва ўз-ўзига баҳо бериш ўсмирлик ёшида, борган сари кўпроқ аҳамият касб эта бошлайди.

Ўсмирлар ҳар жойда ўзини кўрсатиш хусусиятига эга бўлган вақтидаёқ, ўзларининг шахсий хусусиятларини кузата бошлайдилар. Яъни ўзларининг ташқи қиёфаларига танқидий қарай бошлайдилар: бўйининг пастлиги ёки аксинчаси семизлик, хусун, юздаги хусунбузарлар йигит ва қизларни безовталантиради, улар изтироб чекадилар. Кеч етиладиган ўғил ва қизлар яширин кечинмалар кечирадидлар.

Ўсмирликда ўз шахсий ҳислатларига баҳо бериш кучаяди. Ўсмир борган сари ўз қимматини, нималарни қилишга арзиши ва нималарга қодир эканлигини бениҳоя билгиси келади. Ўзига баҳо бериш икки усулда бўлади. 1. Киши ўзи қўлга киритган ютуқлари натижаси билан баҳолайди. Масалан: Бола қийин вазиятда ўзини йўқотмайди ёки ёш болани ёнғиндан қутказди - "мен кўрқоқ эмасман" дейди. Маълум қийин топшириқни бажарди. «Мен қобилиятлиман» - дейди.

2. Ижтимоий таққослаш, яъни ўзи ҳақидаги бошқа ишларни фикрларни солиштиришдан иборатдир. Масалан: ўқувчилар томонидан "мардлик" деб маъқулланган хатти-ҳаракатни ўқитувчи "қалбаки ўртоқлик" деб айтади. Бунда болалар ўз хатти –ҳаракатлари тўғсида ўйлаб, бош қотира бошлайдилар. Шахсий "мен" образи, жуда мураккабдир. Хатто катталарнинг ўзини англаши қарама қаршиликлардан холи эмас. Ўсмирларда янада кучлироқ бўлади. Баъзи ўсмирлар ўзини кузатиш учун кундалик дафтарлар туттади. Бу ҳолат қизларда эртароқ ва кўпроқ учрайди. Бу ҳолат шунчаки ўсишни билдириб қолмасдан, балки шахсда мохият жихатидан тубдан бошқача тарзда ўз шахсиятининг маънавий –рухий фазилатларини, ижтимоий турмуш тарзи мақсад ва вазифаларини англаш, уларни оқилона баҳолаш заруратини акс эттиради. Ундаги ўз –ўзини англаш

турмуш, яшаш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тақозоси билан намоён бўлади.

Ўқув муассаса микромуҳитидаги одатланмаган вазият, шахслараро муносабатлар ва муамала кўламининг кенгайиши ўзига хос типологик ақлий, ахлоқий, иродавий, ҳиссий хусусиятларини оқилона баҳолаш, қўйилаётган талабларга жавоб бериш тариқасида ёндашиш ўз-ўзини англашни жадаллаштиради. Ўсмир ўқувчиларининг ўз-ўзини англашга алоқадор ўзига хос хусусиятлари мавжуд, улар, даставвал ўзларининг кучли ва заиф жихатларини, ютуқ ва камчиликларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар. Ўсмир ўқувчининг ўсмирлик давридаги боладан ўзгачароқ яна бир хусусияти – бу мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон хиссини англаш, ўз кадр-қимматини эъзозлаш, сезиш ва фахмлашга кўпроқ мойиллигидир. Ўсмир ўқувчида ўз-ўзини англаш негизида ўз-ўзини тарбиялаш истаги туғилади. Натижада унда ўз-ўзини тарбиялаш воситаларини саралаш, уларни кундалик турмушга тадбиқ қилиб кўриш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўсмир ўқувчиси руҳиятидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий ҳислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмасдан, балки вояга етган кишиларга хос кўп қиррали, умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади. Ўқувчилар ўзида шахснинг энг қимматли фазилатларини, ўқув ва меҳнат малакаларини онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам равишда эгаллаб боришга, шахснинг муайян бир фазилатлари ва ҳислатларини ҳосил қилишга ҳаракат қиладилар; ўз-ўзини тарбиялаш муаммоларини, яхлит маънавий–руҳий қиёфани шакллантиришга интиладилар.

Ўсмир ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўқув муассаса жамоат ташкилотлари, педагоглар жамоасининг тарбиявий тасири доирасида бўлмоғи шарт. Токи ўз-ўзини тарбиялашнинг такомиллаштириш жамоада муносиб ўрин эгаллашга, ижтимоий бурчни англаш, фойдали меҳнатга жалб этиш ишига хизмат қилсин. Ўз-ўзини тарбиялаш тўғри изга солиб юбориш

учун уйғун бирликни ташкил этган тарбиявий чора-тадбирлар мажмуаси тарзида тасир ўтказиш жамоа мажбурияти, ўзаро ёрдам ва назорат қилиш, ўзаро баҳолаш ва танқид қилиш кабилар мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий турмушда учрайдиган баъзи бир ярамас юриш-туриш кўринишларига, иллатларига, сарқитларига қақшаткич зарба бериш, уларнинг тасиридан йигит ва қизларнинг асраш, ёт ташвиқот мохиятига қарши кураш олиб бориш педагоглар жамоасининг бош вазифасидир.

Ўсмирларда балоғатга етганлик туйғуси такомиллашиб бориб, ўз ўзини қарор топтириш, ўз маънавий қиёфасини ифодалаш туйғусига ўсиб ўтади. Бу нарса уларнинг алоҳида шахс эканлигини тан олишга интилишида ўз ифодасини топади. Бунинг учун айрим ёшлар турли модаларга майл кўйиш, мураккаб тасвирий саноатга, мусикага, касб-хунарга, табиатга мафтункор қизиқишларини намоёйиш қилишга ҳаракат қиладилар. Ўқув ва меҳнат жамоалари тасирида матонат, жасурлик, сабр-тоқат, камтарлик, интизомлилик, халоллик каби инсоний фазилатлар такомиллашади, худбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лаганбардорлик, дангасалик, кўрқоқлик, ғайирлик сингари иллатларнинг барҳам топиши тезлашади.

Ўсмирлар шахсининг шаклланиши жараёнида жамоат ташкилотларини роли алоҳида аҳамият касб этади. Уларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлик, масъулиятлик, ўз ҳаракатларини танқидий баҳолаш сингари фазилатлари барқарор хусусият касб этиб боради. Ўсмир йигит ва қизларнинг жамоатчиликда фаол иштирок этиши орқали муайян ташкилотчилик қобилияти намоён бўлади. Ўзининг кимлиги, қандайлиги, қобилиятлари, ўзини нимага ҳурмат қилишини аниқлашга интиладирлар. Дўст ва душманлари кимлиги, ўз истаклари, ўзини ва теварак-атрофни, оламни яхши билиши учун нима қилиш кераклигини англашга ҳаракат қилади.

Маълумки ўсмирларнинг ҳамма саволлари анланган бўлмайди. Баъзан ўсмирлар ўзларидан ҳеч қаноатланмайдиган, ўз олдиларига хаддан ташқари кўп вазифалар кўядиган, лекин унинг уддасидан чиқа олмайдиган

бўлади. Мана булардан кўриниб турибдики, ўсмирлар ўз-ўзини анализ қилиш теранлиги ва юксак талабларни бажариш кераклигини ўзида акс эттира боради. Бу эса ўсмирларнинг келгуси ютуқлари шартларидан биридир. Ўз-ўзини хурматлаш ва унинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: демак, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шахснинг эрта ўсмирликдаги энг мухим ҳислатларидан бири ўз-ўзини хурматлаш, ўз-ўзига баҳо бериш ҳамда ўзини шахс деб тан олиш ёки олмаслик даражасидир. Ўсмирлар ўзларида шахснинг муайян комплекс сифатларини ҳосил қилишга интиладилар.

Ўз-ўзини тарбиялаш масалаларида бир бутун маънавий психологик қиёфани шакллантириш масаласи қизиқтиради. Бунда шахс идеали ва намунанинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Масалан: Ўғил болалар – қахрамонлик, яхши ота, ўқитувчи, врач ёки бадиий асар ҳамда кинофильмдаги образларни ўзларига идеал деб билсалар, қизларимиз меҳнаткаш аёл, жозибали жамоат арбоби, назокатли уй бекаси ёки илмий ходим ва ҳ.к. Ўзаро муносабат ва эмоционал ҳаёт ўз мавқеини белгилашнинг мураккаб муаммоларини ўсмирнинг ўзи ҳал қила олмайди. Бу масалани ўсмирнинг ота-онаси, ўз тенгқурлари, ўқитувчилар иштирокида уларнинг қўллаб-қувватлашда ҳал қила олади.

Ҳозирги замон психологиясида шу нарса кўзга ташланди. Кўпчилик ўсмирлар бўш вақтларни биронта жойда ўтқизишни афзал кўрадилар. Айниқса шаҳар болалари бўш вақтларини мактаб ва уйдан ташқари жойларда ўтқизишни афзал кўрадилар. Қишлоқ болалари бўш вақтларини маданий дам олишга қаратади. Аммо шаҳар болалари бўш вақтларини кўпроқ катталар билан эмас, балки ўз тенгқурлари билан ўтқизишни афзал кўрадилар. Масалан: айрим ўсмирлар ота-оналари салгина эҳтиёжсизлик қиладими ҳафа бўлиб, қовоғини осадилар, юз ўгириб ўтирадилар, гап қайтарадилар. Натижада ота-она ўртасига совуқчилик тушади. Муносабатлар булар ўртасида мураккаблашади. Уйдан чиқиб кетадилар. Лекин сиёсий қарашлар, дунёқарашлар, касб танлаш анча чуқур

муаммоларга келганимизда шуни айтиш мумкинки, ота-оналар обрўси одатдагидек болаларга ўз тенгқурларига нисбатан кўпроқ тасир этади. Катта ёшдаги болалар ҳаёти мураккаблаша боради. Бунда биринчидан уюшган мактаб жамоалари, иккинчидан мактабдан ташқари жамоалар, спорт жамияти клублар, тўғараклар, учинчидан формал бўлмаган стихияли гуруҳлар. Булар шахслараро алоқа қилиш жараёнида вужудга келади.

Маълумки ўсмирларнинг ҳамма саволлари англаган бўлмайди. Баъзан ўсмирлар ўзларидан ҳеч қаноатланмайдиган, ўз олдиларига хаддан ташқари кўп вазифалар қўядиган, лекин унинг уддасидан чиқа олмайдиган бўлади. Ўсмирлар ўз-ўзини анализ қилиш теранлиги ва юксак талабларни бажариш кераклигини ўзида акс эттира боради. Бу эса ўсмирларнинг келгуси ютуқлари шартларидан биридир.

Ўсмирликдаги энг муҳим хислатларидан бири ўз-ўзини ҳурмат қилиши, ўз-ўзига баҳо бериш ҳамда ўзини шахс деб тан олиш ёки олмаслик даражасидир. Ўсмирлар ўзларида шахснинг муайян комплекс сифатларини ҳосил қилишга интиладилар. Ўз-ўзини тарбиялаш масалаларида бир бутун маънавий психологик қиёфани шакллантириш масаласи қизиқтиради. Бунда шахс идеали ва намунанинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга.

Ўзини англаш эҳтиёжи ҳаёт эҳтиёжларидан ва амалий фаолиятларидан келиб чиқади. Ўзини англаш катталарнинг, жамоанинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан белгиланади. Ижтимоий ҳаёт ва жмаоага бўлган қизиқишнинг ривожланиши муносабати билан ўсмирларда ўз имкониятларига баҳо бериш, жамоада ўз ўрнини аниқлаш, хатти-ҳаракатлари ва ўз шахсининг қандай хусусиятлари унинг олдида қўйиладиган талабларга юксак даражада жавоб беришга ёрдам бериши ёки халақит беришини англаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши уларнинг ўз хатти-ҳаракатларини англашларидан бошланади. Дастлабки пайтларда ўсмирларнинг ўзини англаши асосида унинг хақида бошқа одамларнинг, катталарнинг (ўқитувчилар, ота-

оналарнинг), жамоанинг ва ўртоқларининг мулохазалари ётади. Кичик ёшдаги ўсмир ўзига гўё атрофдаги одамларнинг кўзи билан қарайди. Ёш улғайиши билан ўз шахсини мустақил тахлил қилиш ва баҳолаш тенденцияси бошланади. Ниҳоят шахснинг кўп томонлама муносабатларини ифодаловчи мураккаб синтетик сифатлар (бурч ҳисси, кадр-қиймат, ва виждон ҳисси, принципиаллик)англанади. Шахсни тобора кенгайтиб борадиган сифатларини англашдаги бундай изчиллик маълум ва уни осонгина тушунтиб бериш мумкин.

Ўсмирлик дарида, асосан, билиш жараёнлари юқори даражада ривожланади. Бу йўлларда ўсмирларга ҳаёт давомида керак бўладиган асосий шахсий ва тадбиркорлик хусусиятлари очик кўрина бошлайди. Хотира, меҳнаик хотира даражасидан мантиқий хотира даражасига кўтарилади. Нутқ ривожланган, хилма-хил ва бой тафаккур эса ўзининг барча кўринишлари: ҳаракатли, образли, мантиқий даражасида ривожланади, ўсмирларни энди турли амалиёт ва фаолиятларга ўргатиш мумкин. Шунингдек, бу даврда умумий ва махсус лаёқатлар шаклланади ва ривожланади.

Ўсмирлик даврига жуда кўп зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар хос. Мактаб дстури ва бошқа ишлар билан боғлиқ турли масалаларни ечишда кўзга ташланадиган ўсмирларнинг интеллектуал ривожланганлиги катталарни улар билан бирга жиддий муаммолар бўйича фикрлашга ундайди, ўсмирларнинг ўзлари ҳам бунга ҳаракат қиладилар. Бошқа томондан эса айниқса, келажак касб, хулқ-атвор этикаси, ўз мажбуриятларга масъуллиқ каби муаммолар муҳокамасида инфантилликни (ёш болаларга хос жисмоний ва психологик ҳолат) кузатиш мумкин.

5-6 синф ўқувчиларига синфдаги ўзи эгаллаган мавқеига катта эътибор бериш хусусияти хос. Айниқса, 6 синфдан бошлаб, ўқувчилар ўз ташқи кўринишларига, шунингдек қарама-қарши жинсдаги болалар ва улар билан ўзаро муносабатларига эътибор бера бошлайдилар.

7-синф ўқувчилари эса ўз лаёқатларини ривожлантиришга хос қизиқиш юзага келади. 8-синф ўқувчилари эса мустақиллик, ўзга хослик, дўстлик ва

ўртоқлик билан боғлиқ бўладиган шахсий хислатларни юқори баҳолашади. Ўсмирларнинг ана шу кетма-кет юзага келадиган қизиқишларига асосланган ҳолда фаол равишда иродавий ишбилармонлик ва бошқа фойдали сифатларни ривожлантириш мумкин.

Ўсмирлик даврида ўқув фанларини турли ўқувчилар ўқитувчилар ўқитиш муносабати юзага келади. Катталар шахси ва фаолиятини баҳолашнинг янги мезонлари ҳам уларда шакллана бошлайди. Ўсмирлик асосан, билимли, талабчан, ҳаққоний, ўқув материални қизиқарли ва тушунарли йўл билан етказа оладиган ўқитувчиларни ажратмайдиган, ўқитувчиларни кўпроқ хурмат қиладилар ва яхши кўрадилар. Улар ўқитувчи билан муносабатларига ҳам катта эътибор берадилар.

10-15 ёшли болаларнинг фаолият мотивлари ҳам ўзгаришлари амалга ошади. Илк ўсмирлик даврида кўпчилик ўсмирлар ўзларига салбий шахсий характеристика берадилар. Катта бўлган сари ўсмирнинг ўз-ўзига берган баҳоси дифференциал характерда(хулқ-атворида, ижтимоий вазиятларда ўзини тутишга ва айрим хатти-ҳаракатларига) намоён бўла бошлайди.

1.2.Ижодий қобилият муаммосининг жаҳон психологлари томонидан ўрганилиши

Қобилиятлар деб шундай психик сифатларга айтиладики, киши улар ёрдамида билимларни, кўникма ва малакаларни нисбатан осонлик билан эгаллаб олади ва бирор фаолият билан муваффақиятли шуғулланади. Қобилиятлар фақат фаолиятда намоён бўлади. Идрок этиш пайтида, масалан, рангларнинг товланишидаги нозик фарқлар, предметларнинг аниқ кўриниши, пропорционал нисбатларини тушуниш (рассомлар ишида), абсолют эшитиш (мусиқа билан шуғулланишда), кузатувчанлик (жуда кўп фаолият турларида) ва ҳоказолар аён бўлади. Айрим қобилиятлар хотиранинг яхши ишлаши билан боғлиқдир (масалан, материални тез ва муцаҳкам ўзлаштириб олади, уни осон ва аниқ такрорлаш қобилияти). Кишининг фикрлаш фаолияти (материални тушуниш, мураккаб масалаларни ҳал қилиш, фикрининг

чуқурлиги, танқидийлик, мулоҳазакорликда) қобилиятлар яққол намоён бўлади.

Ижодий қобилиятлар муаммоси психология фанида қизиқарли ва маълум даражада тадқиқ қилинган муаммолардан биридир. Бу муаммо юзасидан қадимдан то шу кунга қадар изланишлар олиб борганлар. Инсоннинг имкониятларини ўрганишга Шарқ мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Сино), Россия психологлари (Б.М.Теплов, Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузмина, С.Л.Рубинштейн, А.Г.Ковалев, В.Н.Мясишев), Ғарб олимлари (А.Бине, Т.Симон, Ф.Галтон, В.Штерн, У.Оллпорт, К.Роджерс) кабилар катта ҳисса қўшганлар. Ушбу муаммо устида Ўзбекистон психолог олимлари (Е.Ғозиев, Р.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, В.А.Токарева ва бошқалар) ҳам изланиш олиб борганлар.

Энди замонавий психологияда ижодий қобилиятларнинг ўрганиш усулларини кўриб чиқамиз. Психологик адабиётларда махсус қобилиятларни ривожлантиришга доир кўплаб тажрибавий ишлар қилинган. Уларга хос бир неча ишларда тўхтаймиз.

Қобилиятнинг ўсишида майян фаолиятга қизиқиш ва муҳаббат қўйиш билан бир қаторда, киши ўз уцида ишлаши, унинг меҳнат фаолияти ҳамда билимлари, кўникма ва малакаларини ижодий равишда – қўллана олиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Айрим кишилар болалик ва ўқувчилик чоғларида, улар учун қулай шароит бўлишига қарамай, ҳеч қандай ўз зехни ва қобилиятларини кўрсата олмаганликлари маълумдир. Бундай кишилар кейинчалик сабот ва чидам билан ўз уцларида муцақил ишлашлари натижасида ўзларининг зўр қобилиятга эга эканликларини кўрсатганлар.

Кўп вақтлардан бери шу нарса маълумки қобилият билан ўзлаштириш ҳамма вақт ҳам бир хил бўлавермайди. Масалан, Гогол Нежинский гимназиясида ўқиётганида адабиётдан «3», иншодан эса «2» баҳо олар эди. Менделеев гимназияда «ўрта ҳол» ўқувчилардан бири бўлиб ҳисобланишига қарамадан, кейинроқ бориб гениал олим бўлиб етишди. Аълочи бўлиб

ўқиганлардан кўпчилигининг оддий хизматчи бўлиб қолганлиги ҳам сир эмас.

Москва математика мактабига асос солган, ҳозирги замон математикасида янги оқим яратган атоқли олим, академик Лузин мактабда ўқиган давларида математика фанидан «2» баҳога ўқир эди, уйда математикадан ёрдамчи ўқитувчи билан тайёрланар эди. Ўша ўқитувчининг сўзига қараганда, Лузин фанга тамоман лаёқатсиз эди.

Таниқли кинорежиссёр С.М.Эйзенштейн мактабда ўқиган вақтида расм дарсидан фақат «3» баҳо олиб ўқир эди. Лекин кейинчалик у ўз устида тинимсиз ишлаши натижасида кинематография санъати соҳасида талантини кўрсатди.

Машхур кишилар ҳаётини олиб қарасак, улар ижодиётида энг муҳим ўринни ишғол қилган нарса уларнинг тинимсиз ишлаш қобилиятига эга бўлганликлари, белгиланган мақсад йўлида ойлаб, йиллаб, ўн йиллаб ишлай билишлари ва чарчамай унга эришиш йўллари излашлари бўлгандир.

Маълумки, мактабдаги ўқувчилар орасида дарслардан улгурмайдиган болалар ҳам учрайди. Бундай ўқувчиларнинг дарслардан улгурмасдан орқада қолиш сабабини синчиклаб текшириш шуни кўрсатадики, уларда ўқишга мойиллик бўлмайди ёки улар дарс тайёрлаш йўллари билмайдилар. Тажриба шуни кўрсатадики, уларда ўқишга бўлган қизиқиш ва ицак туғдириш, шунингдек, уларда дарс тайёрлаш малакасини ҳосил қилиш уларнинг дарсдан улгуриб боришларига имконият беради. Шунинг учун таълим-тарбия жараёнида ҳар бир педагог ўқувчиларга муайян фанлардан билимлар бериш, малака ҳосил қилиш, уларнинг ҳис ва иродасига таъсир этиш билан бир қаторда, уларнинг ҳар бирини жамиятнинг муносиб қурувчилари бўлиб етишишлари учун тинмай ўз устиларида ишлаш лозим эканлигини улар онгига сингдириш керак. Ўқувчиларнинг келажак меҳнат фаолиятларидаги муваффақиятлари фақат уларнинг мактабда оладиган билим ва малакаларига боғлиқ бўлмай, балки, асосан, ўзларининг бундан кейинги ўз устиларида тинимсиз ишлашлари орқали янги билимлар ҳосил

килиб боришларига боғлиқ эканлигини уларга тушунтириш оркали биз ижодий қобилиятларни ривожлатиришга эга бўламиз.

Ижодий қобилиятлар билимлар, кўникмаларда эмас, балки уларни эгаллаган динамикасида яъни билим, кўникмалар қандай шароитда тез, чуқур ва осон эгалланишида намоён бўлади. Бу тушунчадан бугунги кунда ҳам фойдаланилади. Ва ниҳоят, яна бир тушунчани кўриб чиқамиз. “Ижодий қобилият – бу билим кўникма ва малакаларни намоён бўлиши эмас, балки уларни тез ўзлаштирилиши ва ун амалиётда самарали қўлланилишидир”. Ушбу тушунчада ижодий қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларга тенглаштирилмай, уларга нисбатан инсоннинг муносабати, билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш энгиллиги, тезлиги ва чуқурлиги, ҳамда уларни маълум бир фаолиятини энгил ўзлаштиришда ва шу фаолиятнинг муваффақиятли бажаришда намоён бўлади.

Шундай қилиб, қарама–қаршиликларни энгиш ҳамда ҳақиқатни излаш оқибатида олимлар қуйидаги хулосага келдилар, “Ижодий қобилиятлар – шахснинг индивидуал психологик хусусияти бўлиб, унга билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштирилишининг тўлиқлиги, энгиллиги, чуқурлиги, ҳамда турли фаолиятни ўзлаштириш ва уни муваффақиятли бажаришга боғлиқ” бу тушунчани психологияга йирик Россия олими Б.М.Теплов (1896-1965) киритган бўлиб, у бугунги кунда кенг тарқалгандир.

Юқорида айтиб қтилгандек Б.М.Теплов қобилиятларнинг умумий назариясини ишлаб чиқишига ўз хиссасини қўшган Б.М.Тепловнинг фикрича “Қобилиятлар” тушунчаси ўз ичига уч ғояни камраб олди: “биринчидан, қобилиятлар деганда бир одамни бошқасидан ажратиб турадиган индивидуал психологик хусусиятлар тушунилади.

Иккинчидан қобилият деганда ҳар қандай индивидуал психологик хусусиятни эмас бирор бир фаолиятни муваффақиятли бажарилишини таъминловчи хусусият тушунилади.

Учинчидан, “Қобилиятлар” одамнинг билимлари, кўникмлари ва малакаларига тенглаштиримаслиги лозим”.

Б.М.Тепловнинг фикрича қобилиятлар доимий ривожланишдагина мавжуд бўлиши мумкин. Ривожланмаган, амалиётда қўлланилмайдиган қобилият вақт ўтиши билан йўқолади.

- Ахборот технологиялари асрида ва айниқса, талабалар мисолида
- Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини баҳолашнинг иқтисодий самарали усули – компьютердан фойдаланиш методикаси.

IQ муаммоларини тадқиқ этишда кўплаб илмий ёндашувлар мавжуд. Уларнинг натижаларини умумлаштириб, креатив психология ва у билан боғлиқ интеллектуал қобилиятлар ҳақида қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

Интеллектуал “Одарённост(иктидорли)” шахснинг ижодий фаоллигининг шартларидан бири бўлиб, ижодий фаолиятни фаоллаштиришда мотивлаштириш асосий ўрин тутди.

Э.Торренс назарияси бўйича IQ интеллектга боғлиқ бўлмаган фактордир, яъни “интеллект бўсағасида” бу фактор қуйидагича таққосланади: агар IQ 115-120 дан паст бўлса интеллект ва креативлик ягона факторни ташкил этади, аксинча IQ 115-120 дан юқори бўлса, IQ интеллектга боғлиқ бўлмаган катталиқ бўлиб қолади, бундан келиб чиқадики пац интеллектли креативлик бўлмайди, лекин пац креативли интеллектуаллар мавжуд.

Юқоридаги фикрларга кўра шахснинг ижодкорлик хусуиятини қуйидаги мезонлар орқали тавсифлаш мумкин:

- Ижодий муаммони кўриш ва англаш. Идрок этиш. Диққатлилик ва эътиборлилик.

- Муаммонинг асосий қирраси ва алоқаларини англаш, кўра билиш. Фикрлашнинг серқирралиги.

- Анъанавий қарашлардан воз кечиш ва янгича фикрни олға суриш (Гибкий мышления).

- Масалаларни ечишда бир қолиплилик ва гурухнинг фикрларидан четлашишга ҳаракат қилиш. Реал фикрлаш.

- Кўплаб ғоя ва алоқаларни қайта гуруҳлаш қобилияти. Кўп вариантли фикрлаш.

- Ижодкорлик талаб қилувчи муаммони тизимлаштирилган ҳолда аниқ, равшан таҳлил этиш қобилияти.

- IQ талаб этувчи муаммоларни сунъий, абстракт тизимлаштириш қобилияти. (Абстрактное мышления)

- Ғоянинг бир бутунлиги ва унинг структурасини ҳис этиш қобилияти.

- Барча янги ва ғайриоддий ҳолатларни қабул қила олиш қобилияти.

- Ноаниқ ҳолатларда конструктив фаоллик қобилияти

Ушбу айтиб ўтилган мезонлар ўсмирларда қай даражада шаклланганлигини билиш мақсадида бошланғич вақтда тест саволлари, сўровномалар, анкета савол жавоблари ўтказиш кўзда тутилади. Ўтказилган тест натижалари асосида тажриба ва назорат гуруҳлари ажратилади. Тест саволлари юқорида санаб ўтилган мезонларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда IQ даражасини белгиловчи қуйидаги параметрларга нисбатан тузилган:

- Масала ечишга, физика фанига мойиллик даражаси;
- Фанга қизиқиш даражаси
- Ижодий фаоллик даражаси;
- Ижодий диққатнинг серқирралиги ва барқарорлиги;
- Амалиётга ижодий қўллаш;
- Тасаввур равшанлиги ва аниқлиги;
- Ўз-ўзини баҳолаш;

Аклий истеъдод тестлари мазмун жихатдан ыатор саволлар ва масалалардан ташкил топгандир. Уларни ечиш муваффақияти (сарфланган вақтни ҳисобга олиб) баллар йиғиндиси билан ҳисобланади.

Болалар тестлар тўпламини бажариб бўлгандан кейин уларнинг натижаларини стандартлаштирилган йўл билан, яъни ҳар бир синалувчи олган очколар миқдорини ҳисоблаш билан шуғулланишади.

Энди қобилиятларнинг сифат ва миқдор характеристикасини кўриб чиқайлик. Қобилиятларнинг сифат характеристикаси ҳақида гапирилганда

кишининг қайси фаолиятда ишлаётганлиги (конструкторлик, педагог, спорт, иқтисод ва ҳ.к) қайси фаолият турида ишлаб ўзини топиши, муваффақиятга эришиш мумкинлиги назарда тутилади.

Қобилиятларнинг сифат характеристикаси унинг миқдор характеристикаси билан узвий боғлиқдир.

Қобилиятларнинг миқдорий ўлчами ўзига хос тарихга эга XIX асрнинг охири XX аср бошларида Д.Кеттел, Л.Термен, Б.Скиннерлар инсонни ўзи шуғулланаётган фаолиятга яроқлиги, унинг қобилитлари даражасини аниқлаш таклифи билан чиқадилар. Бунинг учун ақлий истеъдод тестларидан фойдаланиш тавсия этилган.

Аmmo бу борада Л.С.Виготскийнинг танқидий фикрлари мавжуд, зеро агар бола берилган вазифани бажармаса, унинг қобилият даражаси аниқланади деб ҳисоблаш нотўғри. Л.С.Виготский истеъдодни аниқлайдиган тадқиқотларни такроран ўтказиш лозимлигини айтади, аввал мустақил, сўнг катталар ёрдамида. Истеъдод даражаси эса аввал мустақил, сўнг катталар ёрдами билан ўтказилган тажрибалар натижаларини солиштириш асосидаги фарқ орқали аниқланади. Истеъдод даражасини аниқлашнинг ушбу усули Л.С.Виготский томонидан “бола ривожланишининг яқин зонаси” деб аталган. Шахснинг барча индивидуал психологик хусусиятлари каби қобилиятлар унга қандайдир табиат томонидан туғма равишда, тайёр холда берилмайди, балки хаёт ва фаолият жараёнида таркиб топади. Киши дунёга ҳеч қандай психик хусусиятларсиз, фақат уларни орттиришга қаратилган умумий имкониятлар билан келади, холос.

Ҳозирги пайтда истеъдод нишонларини миянинг ва сезги органларининг микроструктураси билан боғлайдиган назария энг махсулдор ҳисобланади. Мия хужайраларини чуқур ўрганиш истеъдодли кишининг нерв туркумаларини кўрсатадиган морфологик ва функционал хусусиятларида фарқ борлигини аниқлаш имкониятидадир деб тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, истеъдод нишонларини нерв жараёнларининг айрим дифференциал хусусиятлари билан (нерв кучи, мувозанатлашуви ва

харакатчанлиги уртасидаги фаркларга караб) ва шу билан олий нерв фаолияти турлари билан боғловчи гипотеза ҳам ҳақиқатга яқинроқдир.

Б.М.Тепловнинг фикрича, муқаввийликни асосий намоён қилиб турадиган нарса музикани ҳис қилиш, шунингдек музикани эмоционал ҳис қила олишлик муқаввий қобилиятнинг асосий мазмунидир.

Б.М.Теплов муқаввийликнинг тизимини кўриб чиқади ва кўйидагиларни киритади: музикани эшитиш хусусияти, музика ритми ва музикаий хотира. Математик қобилиятлар устида В.А.Крутецкий ишлаган. Жумладан у “Математик қобилиятлар психологияси” монографиясида математик қобилиятлар ва уларнинг тизимини кенг ёритиб берган. У идрок, тафаккур, хотира, хаёлнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаб, уларни математик фаолиятда намоён бўлишини (математик ўзлаштиришда) тадқиқ қилган. Математик материални ўзлаштиришда идрокнинг аҳамиятини аниқлаган. В.А.Крутецкий қобилиятли ўқувчиларда ўзига хос материални “ички” аналитик–синтетик таҳлил қилиш, қайта ишлаш хусусияти, “жойида” масалани тизимини идрок этиб, уни асосий муносабатларини очадилар, деб ҳисоблайди. Математикага алоҳида истеъдоди бўлган ўқувчилар ўзига хос “математик ақл” билан характерланадилар – улар борлиқнинг мантиқий ва математик мазмунини топа оладилар, улардаги мантиқий ва математик категорияни аниқлайдилар, кўпинча ходисаларни математик муносабатлар нуқтаи–назари орқали қабул қиладилар.

Тасвирий санъатга хос қобилиятларни В.И.Кириенко ўрганган. Унинг “Тасвирий фаолият қобилиятлари психологияси” китобида тасвирий қобилиятнинг психологик таҳлили берилган. Тасвирий фаолиятда идрокнинг хусусиятларини ўрганиш жараёнида В.И.Кириенко тасвирий санъатда қобилият ходисаларни яхлит ва синтетик кўринишда идрок этишда намоён бўлиб, у бадиий асосий мазмуни эканлаги ҳақидаги хулосага келади. Тасвирий фаолиятдаги қобилиятлардан бири пропорцияларга баҳо беришдир. Яна бир тасвирий қобилиятларнинг характерли томони ранглар муносабатини баҳолай олиш ва перспектив қисқартиришларга баҳо

беришдир. Перспектив қисқартиришларга баҳо бериш - тасвирий санъатнинг асосий вазифаларидан биридир ва уни тўғри ҳал қилиниши тасвирий санъатдаги қобилиятларнинг асосий кўринишидир. Бадиий ижодиёт жараёнида кўриш тасаввурлари муҳим аҳамиятга эга. Бирор бир материални олиб уни англанилган ва мақсадга йўналтирилган ижод орқали бадиий образ юзага келади ва предметнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

А.Г.Ковалев тасвирий фаолиятда асосий таянч сифатида - қўллар чаққонлиги деб ҳисоблайди. Бундан ташқари ижодий қобилиятларнинг намоён бўлишида инсоннинг эмоционал кайфияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташкилотчилик қобилиятларни узоқ вақт Л.И.Уманский ўрганган. Муаллиф ташкилотчилик қобилиятларининг тизимини яратади. Унинг фикрича ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган кишилар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

а) шахснинг йўналганлиги;

б) унинг тайёргарлиги;

в) умумий хусусиятлар (киришимлилиқ, ривожланишнинг умумий даражаси, амалий ақл, кузатувчанлик, фаоллик, ташаббускорлик, қатъийлик, ташкилотчилик, ўз-ўзини бошқара олиши);

г) махсус хусусиятлар ташкилотчилик, психологик кашфиётчилик, психологик такт: эмоционал-иродавий таъсир этиш, талабчанлик, танқидийлик, ташкилотчилик фаолиятига моиллик;

д) шахсий индивидуал хусусиятлар.

Биз болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг энг муҳим назарий ва амалий жиҳатларини билишимиз керак. Бунинг учун аввало, қуйидаги психологик - педагогик муаммоларни тушуниб олмоғимиз лозим:

- ўқувчи шахсининг психологик ривожланганлик даражаси;

- ўқувчи шахсининг шаклланиши ва ўқув-меҳнат фаолияти мазмуни;

- ўқувчи шахси табиатининг тавсифномаси ва ижтимоий-психологик хусусиятлари.

Мазкур муаммо бўйича чет эллар ҳамда Республикамизда бир қатор олимлар иш олиб боришган. Иқтидорли болалар психологияси муаммоси бўйича психологлар Д.Ж.Гилфорд, П.Торренса, Ф.Баррона, К.Тейлор, Д.Ж.Керрол ва Б.Блум иқтидорли болалар таълим хусусиятлари бўйича Ж.Брюно, рус психологлари М.А.Матюшкин, Н.Б.Шумакова, Г.Д.Чистякова, В.С.Юркевич. Шунингдек Ж.Пиаже, Э.Торндайк, Д.Ж.Уотсон, Ф.Галтон, А.Анастаси, А.Бине, Т.Симонлар ҳам бола психик тараққиётида таълимнинг мавқеини, уларнинг ақлий хусусиятларини, дастурли таълим, кўникма ва малакаларнинг аҳамиятини, машқларнинг ўрнини илмий-амалий асослаб беришда муҳим ўрин эгалладилар. Бу таълимотлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Иқтидорли болалар психологияси муаммоси, муҳим муаммоларига доир қатор илмий–амалий тадқиқотлар педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилмоқда.

Мазкур муаммолар ҳозирги замон фанинг метадологик тамойиллари асосида, яқин ва узоқ ҳорижий мамлакатларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ютуқлари ва ғоялари ҳақидаги маълумотларга эга бўлган ҳолда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. Бу борада М.Г.Давлетшин ўқувчиларда техник қизиқишлар, қобилятларини шаклланиши ёшлар меҳнат таълими ва касбга йўналтириш, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш ёш ва педагогик психология, қобилят психологияси каби масалаларини кенг ёритиб бориш имкониятига эга бўладилар. Э.Ғозиев таълим жараёнида ўқувчилар тафаккурини ривожланиши, уларнинг ақлий тараққиёти, ўқув фаолиятини бошқариш, комол инсон тарбиясининг психологик муаммоларини, Б.Р.Қодиров ёшларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг фаолиятга йўналишлари, лаёқат ва бирламчи қобилятларининг шаклланиши, иқтидорли ўқувчиларнинг хусусиятларини, касб танлаш ва бошқа катта муаммони илмий жиҳатдан асослаб бердилар.

Ўзбекистонлик психологлар ҳам психологиянинг ривожланишида кўпгина илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. П.И.Иванов психологиянинг умумий масалалари, психик ҳодисаларнинг болаларда

ривожланиши, таълим психологияси соҳасида (“Умумий психология”, “Таълимнинг психологик асослари”) М.Г.Давлетшин “Қобилиятларни ривожланиши”, “Техник қизиқишлар”, “Қизиқиш ва таълим”, каби кўплаб илмий – услубий қўлланмалар, М.Воҳидов “Болалар психологияси”, Э.Ғозиев “Тафаккур психологияси”, “Хотира психологияси”, “Шахс Психологияси”, Б.Қодиров “Қобилият ва иқтидор” илмий тадқиқотлари билан ҳисса қўшдилар.

Иқтидорли болалар учун таълим шакллари АҚШда иқтидор диагностикаси ва ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш бўйича кенг тажриба тўпланган, махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилган, улар билан таълим – тарбия олиб борадиган ўқитувчилар махсус тайёргарликдан ўтишади. Бу фаолиятда таълим вазирлиги, фан, университетлар, коллежлар, маҳаллий ҳокимият вакиллари кенг жалб этилади. Австрияда ҳар бир округда иқтидорли болалар учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Мактаб ва мактабдан ташқари тадбирлар ташкил этилган. Махсус конкурслар, викториналар, олимпиадалар тез-тез ўтказилиб турилади. Иқтидорли болалар билан ишловчи ўқитувчилар тайёрлашга эътибор қаратилади. Буюк Британия қонунчилигида иқтидорли болалар категориялари қайд этилмаган, лекин оддий синфларда иқтидорли ўқувчиларни кўллаб қувватлаш ишлари фаол олиб борилади. Ҳар бир мактаб иқтидорли ўқувчиларини ривожланишига махсус ёрдам фонди ажратади.

Белгия, Греция, Ирландия, Италия, Португалия, Франция, Швеция, Дания, Норвегияда иқтидорли болалар университетлар қошидаги махсус мактаблар кўринишида очилган, Германияда ёзги “Немис мактаб академияси” лагери иқтидорли болаларни қобилиятларини ривожлантириш, тенгдошлари билан ўзаро муносабатларини тўғри тўлга қўйиш мақсадида очилади. Хитой, Корея, Тайланд ва Сингапурда иқтидорли болалар учун махсус таълим кўзда тутилмаган, лекин ҳар бир университет қошида мураккаблашган дастур асосида ўқитиладиган мактаблар мавжуд. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ҳар бир мактаб қошида ўқувчилар иқтидорини ривожлантиришга қаратилган тўғарак очилган.

Ёш олимлар гуруҳи томонидан (Д.Ж.Гилфорд, П.Торренс, Ф.Баррон, К.Тейлор) - иқтидор муаммосини индивидуал фарқларни ўрганиш бўйича психологияда назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориб, улар билан олиб бориладиган таълим дастурлари ва режалар ишлаб чиқдилар. Ўтган асрнинг 70-йилларига бориб индивидуал фарқлар психологияси психология фанининг алоҳида тармоғига айланди. Ўтказилган тадқиқотлар оз муддатларда амалиётга тадбиқ этила бошлади. Психологияда янги тармоқ иқтидорли, лекин ўқишда ўзлаштира олмаётган болаларни ўрганишда, улардаги иқтидорни ривожланишини тўсиб қўювчи омилларнинг болаларда ўрганиш ва иқтидорли болаларга ёрдам бериш методлари ишлаб чиқила бошлади. Д.Ж.Гилфорд, П.Торренс, Ф.Баррон, К.Тейлор иқтидор муаммосини индивидуал фарқларни ўрганиш бўйича психологияда назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориб, улар билан олиб борилаётган таълим дастурлари ва режалар ишлаб чиқдилар.

Д.Ж.Гилфорд тадқиқотлари шуни кўрсатадики, иқтидорли болалар ўзларининг иқтидорини тенгдошларидан яширишга, бунинг натижасида уларда оғир кечувчи депрессия ҳолати келиб чиқиши кузатилган. Таълимда дифференциал ёндашувининг тадбиқ этилмаганлиги натижасида, ўртача ўқувчига нисбатан олинган талаблар натижасида, уларга нисбатан бошқа тенгдошлари томонидан салбий муносабатларни шаклланиши сабаб 80-йилларнинг бошларида иқтидорли болаларнинг иқтидор ва хусусиятларини ўрганиш, ривожлантириш ва келажакдаги имкониятларини тахмин қилиш мақсадида йирик халқаро лойиҳа ишлаб чиқилган. АҚШда иқтидорли болаларни лидерлик сифатларини тарбиялаш махсус ўқув курслари ташкил этилган.

Маълумки, турли кишиларни бир хил шароитларга ва вазиятларга қўйилганда улар турли муваффақиятларга эришадилар. Бундай пайтларда “ижодий қобилиятлар” тушунчасига суянамиз ва муваффақият асосини иждодий қобилият деб тушунамиз. Бу тушунчадан баъзи одамларни

янгиликни бошқалардан кўра тезроқ ва яхшироқ ўзлаштирганларида ҳам фойдаланамиз.

Қобилият масаласидаги марказий муаммо унинг ирсийлиги, туғмалигидир. Платон инсон қобилиятлари туғма эканлигини айтган ва инсон билган барча нарса унинг идеал билимлар дунёсида бўлган пайтидан хотиралар бўлиб ҳисобланади, деб тахмин қилган. Машхур табиатшунос Чарлз Дарвиннинг амакиваччаси Френсис Гальтон ўзининг биринчи китоби «Талантнинг туғмалиги, унинг қонуниятлари ва оқибатлари» (1869), шунингдек, бошқа китобларида таъкидлашча, буюклик ва истъдод авлоддан авлодга берилади, ташки муҳит омили эса бунда сезиларли рол ўйнамайди.

Машхур поляк пианиночиси Игаатсий Падеревский, аксинча, ўзининг ажойиб пианиночилик ютуқларининг сири нимада эканлиги ҳақидаги саволга жавоб бера туриб айтади: «Бир фоиз талант, тўққиз фоиз омад ва 90 фоиз меҳнат»дир деган. Таниқли америкалик кашфиётчи Томас Эдисоннинг буюклик - бу 99 фоиз меҳнат ва бир фоиз илҳом деган сўзлари машхурдир. Америкалик психолог Артур Дженсен таъкидлашча, ҳар бир киши қаттиқ меҳнат жараёнида ўз қобилиятларини муваффақиятли ривожлантириши мумкин. Лекин қобилиятларни фақат маълум бир чегарагача, табиат имкон бергунча ривожлантириш имконияти бор. Киши қаттиқ ва фидокорона меҳнат натижасида буюк бўлиб қолмайди, буюклик унга берилган табиат инъоми бўлиб ҳисобланади.

Машхур инглиз психологи Ганс Айзенк ўзининг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келади: “Талант муваффақияти тизимида генетик омиллар 80 фоизни ташкил этади. Нутқий қобилиятлар, хотира, тасаввур, ҳисобга олиш қобилиятлари генетик асосга эга. 20 фоизи ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ, уларга оиладаги, мактабдаги шароит, омад ва бахтли тасодифлар киради. Генетик ва ижтимоий омилларнинг бу муносабатини тажрибавий йўл билан текшириб кўриш мушкул.”(1892) Галтон юқорида эслатилган китобида ижоднинг бир ёки бошқа тури бўйича

қобилиятлар авлоддан-авлодга ўтган баъзи оилаларни мисол келтиради. Хусусан, Бах авлодларида муסיкий иқтидор илк бор 1550 йилда кузатилган ва беш авлоддан сўнггина И.С.Бах даҳосида бир мунча кучлироқ намоён бўлди. Бахлар оиласида 60 га яқин муסיқачи бўлган; уларнинг 20 га яқини машхур деб тан олинган. Моцарт аждодлари орасида 5 нафар, Гайднда эса иккита муסיқачи бўлган.

Ўқитувчилар мактабда ўсмирлар қобилиятинини кузатиб, улардан айримлари ўқишга қобилиятли, бошқалари камроқ қобилиятли бўлади, деб ҳисоблар экан, бу гапда жон бор. Шундай бўладикки, айрим болаларда ёшлигиданок ижодий қобилиятларнинг куртаклари сезилса, айримларини ўсмирлик ёшида ташқи мухит таъсирида намоён бўлади. Яъни кичик мактаб ёшидаёқ математикага қобилиятли бўлади-ю, лекин ўзининг оғзаки ва ёзма нутқини яхши ифодалай олмайди ёки ўсмирлик ёши даврида тилларга, адабиётга, умуман гуманитар фанларга бўлган қобилиятини намоён этади, бироқ математика, физика, техникани ўрганиш унга қийинлик қилади.

II БОБ. ЎСМИРЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИ ДИАГНОСТИКАСИ

II.1. Ўсмирларнинг ижодий ривожланишида қобилият ва истеъдоднинг ўрни

Ўсмир ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишида уларнинг туғма қобилият ва истеъдоднинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Туғма қобилиятга эга бўлган ёшларимиз катталарнинг ҳар бир таълимий, тарбиявий ва касбий таълимотларини тез илғаб оладилар ва тез ўзлаштириб ҳаётга тадбиқ эта оладилар. Лекин бу қобилият ва истеъдод, барча ёшларимизга туғма талант каби насиб этавермайди. Шундай экан, қобилиятни шакллантириб бориш, ёшларнинг истеъдодини ошириб бориш биринчи навбатда педагоглариимизга ва кенг жамоатчилик зиммасига яъни оила, маҳалла, ўқув муассасалари ва корхона, ташкилот, устахона бошқарувчилари зиммасига тушади. Истеъдод тушунчасининг асосий мазмуни “қобилият” деган тушунчани ҳам англатади.

Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, кўникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади. Шу хусусиятлар мазкур билим, кўникма ва малакаларга таалуқли бўлади. Малакалар, кўникма ва билимларга нисбатан қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади.

Қобилиятлар фақат фаолиятда, шунда ҳам амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятидагина намоён бўлади. (Расм солиш қобилияти бор йўқлигини шу фаолиятда аниқланади). Масалан, Алберт Эйнштейн (1879–1955, немис физиги) ўрта мактабда унча яхши ўқимаган ўқувчи эди, унинг келажакдаги гениаллигидан, афтидан ҳеч нарса далолат бермас эди.

Қобилиятлар билим, малака ва кўникмаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлди.

Қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шarti ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусиятдир. Шундай қилиб, қобилият

одамларни сифат жиҳатидан бир-биридан фарқлайдиган индивидуал психологик хусусиятдир.

Қобилиятларни сифат хусусияти деб қараб чиқадиган бўлсак, у одамнинг мураккаб психологик хоссалари сифатида намоён бўлади, ва мақсадга етиш учун жуда зарур бир неча йўлларни эгаллаганлигини билдиради. Кишида у ёки бу фаолиятга қобилият бўлиб, бошқа бирига бўлмаслиги мумкин, лекин унинг ўрнини тўлдириш, (компенсация) имконияти борлигидан фойдаланиб уни пайдо қилиш мумкин (масалан, кар-соқов, кўр–олима О.И.Скороходова фаолияти).

Қобилиятларнинг сифат жиҳатидан характеристикаси инсонга меҳнат фаолиятининг қайси соҳасида (конструкторлик, педагогик, иқтисодчилик, спорт ва бошқалар) осонлик билан ўзини топа олади, катта ютуқларга ва муваффақиятларга эришади дейишга имкон беради. Қобилиятларнинг сифат характеристикаси уларга миқдорий характеристикасига узвий боғлиқ.

Қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи истеъдод деб аталади. Истеъдод бу кишига қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуасидир. Истеъдодларнинг уйғониши ижтимоий–шарт шароитларга боғлиқдир. Масалан, бозор иқтисодиёти «ҳаммани тижоратчи қилиб юбормоқда».

Алоҳида олинган, якка қобилиятни гарчи у тараққиётнинг жуда юксак даражасига эришган ва ёрқин ифодаланган бўлса ҳам истеъдод билан тенглаштириб бўлмайди. Хотира, ақлнинг эпчиллиги, кўллаш кўламининг кенглиги истеъдодга йўл очади. Бу сингари сифатларни машҳур одамлар фаолияти мисолида кўрамиз.

Истеъдод структураси оқибат натижада мазкур фаолият шахс олдида кўйган талаблар характери билан белгиланади. Бу умумий ва махсус қобилиятлар билан боғлиқ. Бир қатор истеъдодли болаларни ўрганиш натижасида баъзи бир жуда муҳим қобилиятларни аниқлашга эришилди. Бундай қобилиятлар йиғиндиси ақлий истеъдод тузилмасини ташкил этади.

Шундай йўл билан ажратганда шахсни биринчи хусусияти зийраклик, доимо жиддий тайёрликдир. Иккинчи хусусият биринчи хусусият билан боғлиқ – меҳнатга тайёрлиги, меҳнатга мойиллиги, меҳнатга эҳтиёждир. Учинчи хусусияти – интеллектуал фаолиятга бевосита боғлиқдир: бу тафаккур хусусиятлари, фикрлаш жараёнларининг тезлиги, ақлининг системалилиги, таҳлил ва умумлаштириш имкониятларининг кўплиги, ақлий фаолиятнинг юксак маҳсулдорлигидир.

Истеъдод катор даражаларига эга бўлиб, махсус истеъдод фаолият турлари билан, маҳорат – рўёбга чиқиш тезлиги, чакқонлиги билан белгиланади. Илҳомланиш – фаолият давомида қўл келадиган изчиллик тизимига эга бўлиш билан харакатланади ва ҳоказо.

Ҳар қандай ўсмирни фаолияти ва билимдонлиги асосида ташкилий ишга номзодликка кўрсатиб ва бу кўрсатишни «яхши ташкилий қобилият» билан асослашади, албатта, «ташкилий қобилият»га эга бўлиш бу – «ташкилий маҳорат ва билармонлик»ка эга дегани эмас эканлиги ҳақида ўйлашмайди. Балки аксинча бўлиб чиқиши ҳам мумкин: ҳали тажрибага эга бўлмаган ёш ходимни «ташкилий қобилияти»ни асослаб номзодликка кўрсатишганда балки у ҳали шу даврда етарли малака ва тажрибага эга бўлмаслиги мумкин-у, лекин ўзининг билимдонлик қобилияти туфайли тез орада малака ва тажриба орттириб, муваффақиятга эришиши ҳам мумкин. Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, ҳаётда қобилият тушунчаси остида одатда мавжуд бўлган билим, маҳорат ва малакадан иборат бўлган, лекин, бу билим ва маҳоратларга тез ва осон эришишни англатадиган ўзига хос хусусиятлар кўзда тутилади. Биз қобилиятни шахсни табиий имкониятлари деб тушунишимиз мумкин эмас, чунки, қобилиятни биз “ҳар бир инсоннинг ўзига хос психологик хусусиятлари” деб аниқладик, шунинг учун бу ҳар қандай шахсда мавжуд бўлган табиий хусусият деб хулоса чиқариш асло мумкин эмас. Табиий бўлиб фақат анатомио-физиологик хусусиятлар, яъни қобилиятнинг ривож асосида ётган истеъдод бўлиши мумкин, қобилиятнинг ўзи ҳам доимий ривожланиш натижасида пайдо бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қобилият тушунчасини инсоннинг табиий хусусияти деб қабул қилмай, бироқ биз кўп ҳолларда қобилият ривожини асосида баъзи инсонларда табиий хусусият, яъни истеъдод ҳам мавжудлигини кўришимиз мумкин. Баъзида “ҳақиқий”, “табиий”, “табиатдан берилган” ва шунга ўхшаш сўзлар билан айтилганда – “табиий” тушунчаси, - қобилият тушунчаси билан амалий таҳлилда бир-бирига боғлиқ. Кўп ҳолларда биз табиийликни истеъдод ривожини асосида ётган қобилиятни тушунаемиз. Балки кимдир бирор жойда амалий сўз ишлатишда, у ёки бошқа бирор нарсани - табиий хусусиятни қобилият деб таъкидлаши мумкин. Гўдак туғилган вақтда мавжуд бўлган “гармоник ҳис” ёки “музыкага бўлган туйғу” ҳақида ўйлаш даргумон. Эҳтимол, ҳар қандай идрокли инсон, туғилган дақиқадан бошлаб, музыкага бўлган туйғу ёки ўзаро ҳис-туйғунинг ривожини асосида фақат истеъдод нишонлари, қизиқиш ёки шунга ўхшаш туйғу мавжуд деб ўйлаш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлашимиз керакки, табиий истеъдод нишонлари ҳақида гап кетганда, биз ҳали мерос бўлиб қолган истеъдод нишонлари ҳақида сўзлаганимиз йўқ. Бу икки тушунчани бир-бирига тенглаштиришдаги якуний хулоса хатто ҳаддан ташқари кенг тарқалган. “Табиий” тушунчаси билан “мерос бўлиб қолган” тушунчаси бир хил маънони аниқлаштириш таҳмин қилиниши, албатта, нотўғри. Чунки бола туғилишдан олдин она қорнида ривожланади. “Мерос” ва “мерос бўлиб қолган” тушунчалари, психологик адабиётда, фақат кўрсатилган бажодлари белгиси мерос бўлиб қолган деб ўйласакда, ўшанда ҳам, тарбия ва ўқитишнинг тўғри натижаси эмаслигини кўрсатмоқчи бўлишса ҳам, ёки, баъзи организмнинг физиологик ёки биологик хусусиятлари бу белги билан жамланишини таҳмин қилишга ҳақиқий асос бўлади. “Мерос бўлиб қолган” тушунчаси, шундай қилиб, нафақат “табиий” сўзини, балки “биологик”, “физиологик” ва шунга ўхшаш сўзларнинг синонимидир.

Бундай турдаги терминологиянинг тўғри ва аниқ эмаслиги асосий маънони билдиради. «Мерос бўлиб қолган» термини далилий аниқ тушунчасига эга, шунинг учун ҳам бу терминни катта эҳтиёткорлик билан,

фақат айнан шундай тушунчани келтириш мумкин бўлган жиддий асослар бор жойда қўлланилади. Таъкидлаш лозимки, қобилият ўзининг мавжудлиги билан динамик тушунчадир. Қобилият фақат ҳаракатда, фақат ривожланишда пайдо бўлади. Психологик жиҳатдан қобилият ҳақида, ўзининг ривожланишдан олдин мавжуд бўлганлигидек, ҳамда қобилият ўзининг тўла ривожига етиб, ўзининг ривожланиши тўхташи ҳақида сўзлаш асло мумкин эмас. Чунки қобилият доимий ривожланишда бўлиши керак. Қобилият фақат ривожланишда мавжуд деб, биз бу ривожланишни у ёки бошқа амалий ёки назарий фаолият жараёнида амалга ошишини назардан четда қолдиршимиз мумкин эмас, албатта. Бундан хулоса қилинадики, қобилият аниқ фаолиятдан ташқарида пайдо бўлмайди. Фақат уни психологик таҳлил йўли билан биз уларни бир-биридан ажрата оламиз. Қобилиятни аниқ фаолият бошланишидан олдин мавжуд ва фақат унинг якунида қўлланилади деган хулосага келиш асло мумкин эмас. Гўдакда абсолют эшитиш қобилияти товуш баландлигини билиш биринчи бор дунёга келишидан олдин мавжуд эмас. Унгача фақатгина анатомио-физиологик ҳақиқатдек истеъдод нишонаси мавжуд бўлган. Гап қобилият фаолиятда намоён бўлишида эмас, балки уларнинг шу фаолиятда яратилишидадир. Қобилиятнинг ривожланиши, умуман ҳар қандай ривожланиш ҳам тўғри ўтмайди: унинг ҳаракат кучи зиддиятликнинг курашидир, шунинг учун ривожланишнинг ҳар хил босқичида қобилият ва қизиқишлар ўртасида зиддиятлар бўлиши мумкин. Лекин, бўлиши мумкин бўлган бундай зиддиятларни тан олиш, қизиқишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қобилиятдан муцақил ёки аксинча, қобилият – қизиқишлардан асло пайдо бўлмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, қобилият деб фақатгина у ёки бошқа фаолиятнинг бажарилишида муваффақиятга эришишдан иборат бўлишдангина эмас, балки ўзига хос психологик қобилиятни тан олиш керак. Бироқ, тўғридан-тўғри қандайдир фаолиятнинг муваффақиятли бажарилиш

имкони аниқлайдиган, ўзгача бўлган қобилият эмас, балки фақат бу шахсда мавжуд бўлган қобилиятнинг ўзига хос бирлигидир.

Қобилият - одам психикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, бу хусусиятларни хаддан ташқари кенг тўлдириш имкони оқибатида қандайдир бир қобилиятнинг нисбий заифлиги ҳаттоки шундай бу қобилият билан ҳаммасидан кўра бир-бири билан чамбарчас боғлиқ фаолиятнинг муваффақиятли бажариш имкони асло йўқ эмас. Бир шахсда қобилиятнинг етишмаслиги кенг ривожланган бошқа бир шахс билан ўрталарида жуда катта чегара қопланган бўлиши мумкин.

Айнан чегарани қоплашнинг имконияти ҳар хил: масалан, мусиқий истеъдод ва мусиқага ёки бирор бир шунга ўхшаш соҳага бўлган қобилият билан боғланган фаолият истеъдод бўлмаса ҳар қандай урунишлар оқибатда омадсизликка олиб келиши муқаррар.

Бу фикрни тасдиқлаб беришимиз учун жуда оддий бир мисол келтириб берамиз. Ўзига хос мусиқага қобилияти бўлиб, бу қобилиятга эга шахснинг алоҳида бўлган овозининг баландлигини маълум бошқа бир овоз билан тенглаштирмай тўлиқ эшитиш бўлади. Абсолют эшитишда «табиий қобилиятнинг» аниқ кўриниб турган мисолни кўришга жиддий асослар, яъни қобилият асосида ётган табиий истеъдод нишонлари борлигидадир. Лекин, абсолют эшитишга эга бўлмаганларда алоҳида бўлган овозларнинг баландлигини билишини ишлаб чиқарса бўлади. Бу, абсолют эшитиш буларда яратилади дегани, лекин, абсолют эшитишнинг йўқлиги, бошқа қобилиятларга таянган ҳолда – нисбий эшитиш, тембр эшитиш ва шунга ўхшашлар, бошқа ҳолатларда абсолют эшитиш асосида амалга ошадиган маҳоратни ишлаб чиқариш деганидир. Номланаётган «абсолютлакаб» эшитишда бутунлай турлича булади, бироқ амалий натижалар баъзи бир ҳолларда бутунлай бир хил булиши ҳам мумкин. Товушлар баландлигини билишнинг психик механизмлари ҳақиқий абсолют эшитишда ва махсус ишлаб чиқилган.

Кейин, алоҳида бўлган қобилият нафақат бирга ва бир- бирига боғлиқ бўлмасдан мавжудлигини эсда тутиш керак. Ҳар бир қобилият бошқа қобилиятларнинг борлиги ва тоифасининг ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради, ўзга сифатли характерга эга бўлади. Бу мулоҳазалардан келиб чиқиб, алоҳида бўлган қобилиятлардан бу инсоннинг у ёки бу бошқа фаолиятни муваффақиятли бажариш имкони ҳақидаги саволга тўғридан-тўғри ўтаолмаймиз. Бу ўтиш фақат бошқа, янада синтетик тушунча орқали амалга ошиши мумкин. Бу шундай тушунча бўлиб, қобилиятларнинг ўзига хос сифатли бирлиги бўлиб тушуниладиган, у ёки бу бошқа фаолиятнинг бажарилишида катта ёки кичик муваффақиятга эришиш имкониятига боғлиқ «истеъдод» ҳисобланади.»Истеъдод» ва «қобилият» ўзига хос тушунчаларга эга, улардаги инсон хусусиятлари ҳар қандай амалий фаолият тақдим этаётган талаблар нуктаи назаридан кўрилади. Шунинг учун истеъдод ҳақида ҳам умуман гапириш мумкин. Истеъдод шахснинг фақатгина нимагадир, қандайдир фаолиятига нисбатан айтилади. Бу «умумий истеъдод» ҳақидаги саволни кўриб чиқилишида хусусан муҳим аҳамиятга эга. Айнан «иқтидорлик» тушунчасининг ичида зарурий шарт сифатида муайян амалий фаолиятдан иборат бўлган ўзаро боғлиқлик ушбу тушунчанинг тарихий характерини белгилаб беради. «Истеъдод» тушунчаси биологик хусусият деб қаралганда ўз мазмунини йўқотади. Истеъдод - англашимизча, бу ҳар қандай у ёки бу бошқа фаолият турларига киритилиши ва шубҳасиз ҳар бир муайян фаолиятнинг «муваффақиятли» бажарилишига жиддий равишда боғлиқлигидир.

Иқтидорлиликнинг у ёки бу бошқа махсус кўринишлардаги тушунчаларнинг мазмуни ҳам аҳамиятли тарзда ўзгаришга юз тутаяди, бу албатта тегишли фаолиятнинг ушбу даврда ва ушбу жаҳият форматсиясининг «мувоффақиятли» бажарилиш критерияларининг қанақалигига боғлиқ, албатта. «Музиқий истеъдод» тушунчаси албатта, биз учун жиддий равишда бошқа мазмунга эга, бир овозли музиқадан бошқа музиқани билмайдиган халқлар ҳам бўлиши мумкин. Музиқанинг тарихий

ривожланиши мусиқий истеъдоднинг ўзгаришига ҳам олиб келади. Шундай қилиб, «истеъдод» тушунчаси аниқ, тарихий ривожланаётган ижтимоий меҳнат амалиёти услуги билан ўзаро боғланмаса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Яна бир муҳим томонини белгилаб қўямиз. Истеъдоддан фаолият муваффақиятли бажарилиши эмас, балки, фақат бу муваффақиятга эришиш имконига боғлиқ. Саволнинг психологик томондан чегараланган тақдирда ҳам, биз айтишимиз керакки, ҳар қандай фаолиятни муваффақиятли бажарилиши учун нафақат истеъдод, яъни қобилиятнинг мувофиқ бирлиги, балки зарур маҳорат ва билармонлик ҳам талаб қилинади.

Қуйидаги иккита ҳолат ўртасида катта фарқ мавжуд «Ўсмир ўзининг иқтидорлиги билан бундай фаолият турларини муваффақиятли бажариш имкониятига эга» ва «Ўсмир ўзининг иқтидорлиги билан бундай фаолият турларига мослашган»лигидир. Иқтидорлик фаолият танловини аниқлаб берувчи ягона фактор ҳисобланмайди, шунингдек, у фаолиятнинг бажарилиш мувоффақиятини аниқлаб берувчи ягона фактор бўлиб ҳам ҳисобланмайди.

Махсус қобилият (лотинчадан спесиалис - ўзгача) – шахснинг маълум турдаги фаолиятнинг муваффақиятли бажарилган имконлари бўлган психологик ҳолатнинг ўзига хослиги (мусиқий, саҳнага оид, адабий) ва шу кабилар. Уларнинг ривожини истеъдодга муносиб бўлиб, масалан, мусиқий хотира - қобилиятга таянади.

Вояга етиш яъни ёшга оид шаклланиш даври давомида махсус қобилиятнинг ривожинининг энг қулай даври ҳисобланади. Катта аҳамиятга эга бўлган истеъдод анатомик - физиологик асосда етарли даражада фарқланиши мумкин бўлган махсус қобилиятнинг тузилиши ҳисобланади. Шундай қилиб, махсус қобилият маълум даражаси (математик, бадиий ва ҳ.к.) ҳар қандай соғлом болада шаклланган бўлади. Шу билан, махсус ташкил қилинган ўқитиш шароитида боланинг қобилиятини йўналтириш ривожинида аниқ хулосалар мавжуд.

Қобилият фақат ҳаракатда, ривожланишда мавжуд. Бу ривожланиш фақат у ёки бошқа аниқ фаолият жараёнида амалга ошади. Бу инсоннинг аниқ фаолиятисиз қобилият мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Ҳар қандай қобилиятни зарурият билан талаб қиладиган, усиз амалга ошмайдиган фаолият жараёнида ривожланиб пайдо бўлади. Боланинг олдида унинг ёрдамисиз ечиладиган масалалар қўйиб қандайдир маълум қобилиятни ҳеч қачон тарбиялаб бўлмайди. Масалан, ўсмирлар ўз қобилиятларини шарт шароитларга кўра ривожлантирилишива аксинча бўлиши ҳам мумкин. Яхши қобилиятларнинг кўрсаткичлардан бири деб эрта намоён бўлган қобилиятни тан олинади, бироқ, лекин эрта намоён бўлган қобилиятнинг йўқлиги қайсидир меъёردа заифлик кўрсаткичи ёки айниқса муносиб қобилиятни йўқ деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Биринчидан, эрта намоён бўлган қобилиятлар имкони нафақат ўсмирнинг истеъдодига боғлиқ, балки унинг ҳаётидаги биринчи йиллари ўтган тарбиявий шароитга ҳам боғлиқдир. Жуда эрта намоён бўлган ҳар қандай қобилиятлар кузатилаётган ҳамма ҳолатларда ҳам, бу қобилиятнинг ривожланишида ота-она ёки бошқа кимсаларнинг ўрни ёки тўғри (тартибли бўлмаса ҳам) ташвишлари, ёки, ҳеч бўлмаганда, болани мана шу қобилият ривожланиши мумкин бўлган фаолият билан шуғулланишига йўналтирадиган шароитнинг яратиб беришга ҳам боғлиқ. мавжуд. Бу шароитларнинг йўқлигида қобилият намоён бўла олмайди.

Иккинчидан, кўп болаларда қобилият илк бор фақат доимий шуғулланиш натижасида ривожлана бошлайди ва бу асло қобилиятнинг заифлигини кўрсатмайди, аксинча, баъзи болаларда мазкур соҳа бўйича мислсиз истеъдодга эга эканлиги кейинроқ намоён бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўсмир ижодий қобилиятини ҳар қандай ҳолатда тарбиялаб ўстиришда, аввало педагогик-психологик жиҳатдан хулоса чиқариш лозим.

Ўсмирнинг шахс хусусиятидан келиб чиқиб, тарбиялаш жараёнига психологик ёки педагогик услубни қўллаш мураккаб. Муайян такомиллашган

педагогик ёки психологик услубни қидириб, уни мантиқий-назарий жиҳатдан тўлиқ англаб олиш ва амалиётга қўллашгача бўлган мураккаб жараёнга караганда – жараённинг ўзини лойихалаштириш энг қулай ва самарадор услубдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тарбиянинг ҳеч бир услубиётини – тарбияланувчиларга ҳеч қачон бир хилда қўллаб бўлмайди. Яъни ҳар бир ўсмирга индивидуал ёндошиш керак.

Ўсмирларга йўналтирилган тарбия тизими ўқитувчидан тарбия услубиётларига алоҳида муносабат билан ёндошишни, услубиётни ҳамда мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганишни, жараёнга ижодий муҳитни олиб киришни тақозо этади. Бунга асосий сабаб:

- тарбия жараёнида тўлиқ муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизлик таҳдидининг мавжудлиги;

- ўсмир тўқнашадиган ва баъзан кўп йиллар давомида муваффақиятли ёки муваффақиятсиз курашадиган ҳаётий ҳолатлардан бири – бу фикрининг ўйлаганидек рўёбга чиқмаслигини англаши;

- ўсмирлар кўпинча ўзининг дунёқараши, тасаввурининг қандай даражада кенглигидан келиб чиқиб, фикрлайди ҳамда бу фикрлашни мавжудликнинг ижобий, ёки салбий ҳолатлари билан боғлаб таҳлил қила олмаслигидир.

Ўсмирнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинishi мақсадка мувофиқдир:

1. Ўсмирни психологик жиҳатдан тарбиялаш жараёни максимал даражада мақсадга йўналтирилгин бўлиши керак. Бунинг учун эса психологик ҳамда педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш керак;

2. Тарбиявий жараёнга сингдирилиши кўзда тутилаётган тегишли технологиялани илмий асослаш ва ишлаб чиқиш лозим;

3. Тарбиявий жараённинг дацлабки ҳолатда ижтимоий-психологик муҳитни аниқ таҳлил қилиш ҳамда тактик жараённи мукамал ишлаб чиқиш керак.

Ўсмир шахсининг шаклланиш жараёнига – жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормалари, ҳуққ нормалари, маънавий-маърифий кадриятларни сингдириш технологияларини яратиш кўпгина жиҳатдан якуний натижани таъминлашга хизмат қилади.

Бошланғич жамоалашув ёки мослашув босқичи. Бунда ўсмир томонидан ижтимоий тажриба ўзлаштирилади, мослаштирилади ва қабул қилинади.

Индивидуаллашув босқичи. Бунда ўсмирда ўзини бошқалардан ажратиш исаги, жамоат ҳуққ нормаларига нисбатан ижобий ҳамда танқидий фикрлаш пайдо бўлади.

Интеграцион босқич. Ўсмир жамиятда ўзи ўрнини топиш, жамият ҳаётига киришиш, атрофдагиларга ижобий томондан танилиш, фаолиятда ўзини ижобий тарафдан кўрсатиш ҳаракатига тушади, яъни шахс сифатида ўзини танитиш исаги биринчи ўринга чиқади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, агар шахснинг ҳаракатлари бирор ижтимоий гуруҳ ёки жамият томонидан қабул қилинса, интегратсион босқич мувоффақиятли ўтади. Мабодо бунинг акси бўлса, қуйидаги ҳолатлар келиб чиқади:

- ўсмирда норозичилик кайфияти пайдо бўлиб, тушкунлик ҳолатига тушади;
- ўзи ҳаракатларини таҳлил қилиб, ўзини ўзгартиришга ҳаракат қилади;
- ўсмир ўзида ташкилотчилик, етакчилик, ўзини кўрсатиш каби ҳислатларни жиловлаб, мавжуд муҳитга мослашиш ҳаракатига тушади.

Ижтимоий фаолият босқичи. Бу босқич инсон балоғатга етган даврдан бошлаб, ҳаётининг охиригача давом этади. Шахснинг ўзини-ўзи тарбиялаш жараёни меҳнат босқичида ташқи ва ички омиллар таъсирида шаклланиб боради. Бунда меҳнат жамоасидаги ижтимоий-психологик муҳит катта аҳамиятга эга.

Юқорида тарбиявий жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи барча омилларни қараб чиқдик. Табиийки, тарбия жараёнига бундай технологик ёндошув ўзига хос саволларни келтириб чиқариши мумкин.

Жумладан, технологик асосда узлуксиз таълим тизимида ўсмирларнинг тарбиявий жараёнини қандай ташкил этиш керак қ – деган савол юзага келиши муқаррардир. Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

А) ўсмирларнинг маълумотлар базасини яратиш. Маълумотлар базаси ўсмир шахсига тегишли барча маълумотларни қамраб олиши керак.

Б) узлуксиз таълим тизимидаги (умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб хунартаълими тизими)даги ижтимоий муҳитнинг аниқ таҳлилини амалга ошириш.

Айнан муҳит қандай даражада эканлиги ўсмир тарбиясига, унинг шахсининг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадими. Бу жараён ўсмирлар ижодий қобилиятларини ривожланишига таъсири ва уларнинг иқтидорини такомиллаштириш имкониятларини яратиш даражаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Муҳит таҳлили қуйидаги кўринишда амалга оширилиши керак:

- мавжуд ижтимоий муҳитнинг асл ҳолатини аниқлаш;
- педагог мураббий-ва фан ўқитувчиларнинг ижтимоий муҳитга муносабатини аниқлаш;
- ўсмирларнинг ижтимоий муҳитга, педагогик раҳбарияти олиб бораётган фаолиятга муносабатини аниқлаш;
- ўсмирлар орасидаги ижтимоий фикрни аниқлаш;
- юзага келаётган ва ечимини қутаётган муаммоларни аниқлаш.

В) Тарбиявий жараённинг аниқ режа ва дастурини ишлаб чиқиш. Муҳит таҳлили асосида мазкур режа ва дастурда биринчи навбатда бажарилиши керак бўлган долзарб ишларни белгилаб олиш керак. Бунда қуйидагилар аниқ кўрсатилиши лозим:

- таълим тизимиданинг босқичлари орасидаги тарбиявий узвийликни амалга оширадиган тарбиявий ишлар;
- ўсмирлар уйида амалга ошириладиган тарбиявий ишлар;
- жамоат ташкилаотлари, турли жамғармалар ва ҳомий ташкилотлар билан амалга ошириладиган ишлар;
- мактаблар, КХК ва АЛлардаўтказиладиган тадбирлар;
- ўсмирлар ўзини-ўзи бошқаруви амалга оширадиган ишлар;
- ўсмирларда ғоявий иммунитетни шакллантириш ишлари;
- салбий оқимлар, зарарли ғояларга қарши кураш муҳитни шакллантириш.

Г) Тарбиявий жараённинг мониторингини яратиш. Амалга ошириладиган барча ишларнинг ягона мониторингини шакллантириш орқали, жараёни бевосита кузатиш имкони юзага келади. Бундан ташқари жараённинг боришини таҳлил қилиш мумкин.

Д) Ўсмирларда ғоявий иммунитетни шакллантириш ва таълим тарбияни олиб бориш жараёнида жойларда мафкурвий кураш муҳитини юзага келтириш. Жамият ҳаётига ва унинг ривожланишига таҳдид солувчи ҳар хил оқимлар, зарарли ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш, ҳар хил ёт мафкурага қарши кураш муҳитини яратиш – узлуксиз таълимтизими олдидаги ўта долзарб вазифадир. Бу вазифаларни амалга оширишда жамият талабидан келиб чиқиб, психологик ва педагогик технологияларни жараёнга қўллаш лозим. Бундан ташқари қуйидаги ишларнинг сифатини таъминлаш лозим:

- ўсмирлар билан индивидуал фаолият олиб бориш;
- тушинтирув ва тарғибот ишларида янги технологияларни қўллаш;
- ижтимоий ўзгаришлар моҳиятини ўсмирлар онгига аниқ етказиш;
- аудиториядан ташқари тарбиявий ишларни такомиллаштириш;
- мустақил фикрлаш жараёнини ривожлантириш;
- ўсмирларнинг бўш вақтини мақсадли режалаштириш.

II.2. Ўсмирларнинг ижодий қобилиятини диагностика қилишнинг психологик усуллари ва мезонлари

Миллий анъаналар урф-одатларимизнинг тикланиши, миллий, умумбашарий ва умуммаънавий қадриятларимизни ҳаётимизга татбиқ этилиши халқимизнинг турмуш шароитини ўзгаришига олиб келди. Жамиятимиз учун билимдон, фидокор, истеъдодли ёшларни тарбиялаш имконияти яратилди. Ўзбек халқи юксак ақл-заковатга дунёни бошқариш кудрати, салоҳияти, қобилиятига эга бўлган соҳибқирон Амир Темур каби саркардалар, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий каби улуғ муҳандис мажтаҳид уламолари, Абу НасрФоробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби қомусий олимлари билан биргаликда Ул-Умавий, Ҳофиз Шерозий каби мусиқашунос олимлари, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Улуғбек каби мутафаккирлари билан фахрланиб қолмай, уларнинг ишларини давом этишига, фан соҳасида янгиликлар яратишга ҳам қодирдирлар.

Шунингдек, мамлакатимизда номлари жаҳон фани тарихига кирган олимларимиз кўплаб топилади. Бизда маданий савияни ошириш, халқимиз орасида кўплаб бунёдга келган талант ва салоҳиятларни камол топтириш учун барча имкониятлар яратилган. Истеъдоднинг ўсиб камол топиши учун фақат муҳит таъсирининг бир ўзи кифоя қилмайди. Бунда энг муҳим нарса таълим ва маҳсус тарбиядир. Қобилият таълим жараёнида, билимларни ўзлаштириш жараёнида, билимларнинг ижодий қўлланишида, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёнида, инсон фаолиятида камол топади. Масалан, мусиқачи бўлиш учун табиий қобилият ва қулай шароит бўлишининг ўзи кифоя қилмайди, балки ўқиш, мусиқа назариясини ўрганиш, техникани ва маҳсус фанларни билиш керак бўлади. Яхши учувчи, инженер, умуман қандай бўлмасин ҳар бир соҳада мутахассис бўлиш учун тегишли маълумот ва тарбия олиши керак.

Таълим жараёнида киши маҳсус кўникмалар ва фаолият техникасини эгаллайдики, уларсиз унинг на истеъдоди юзага чиқади ва на қобилияти ўсиб

етилади. «Мен фойдаланган техниканинг ривожланганлиги соясидагина – деб ёзган эди А.Н.Римский-Корсаков, - менинг ижодиётим янги жонли кучга эга бўлади ва менинг бундан буён ижодий фаолиятим учун йўл очилди».

Маълумки, барча юксак истеъдодли кишилар кўп ва тиришиб ўқиганлар. Истеъдод айна таълим-тарбия жараёнида, кишининг таркиб топаётган қобилиятларида равшанроқ кўрина бошлайди. Чунончи, кишининг, масалан, мусиқа, адабиёт, техника, математика ва бошқа шу кабиларга бўлган истеъдоди таълим-тарбия жараёнида ошкор бўлади.

Қулай шароит, ўқитиш ва тарбия одамдаги лаёқатнинг барвақт уйғонишига имкон беради. Масалан, Римский-Корсаков онаси куйлаган куйларни икки ёшданок, отаси пианинода чалган куйларни тўрт ёшида такрорлар, хиргойи қилар эди ва отасидан эшитган кичик мусиқа асарларини тез кунда фортепианода ўзи чала бошлаган. Моцарт уч ёшдан бошлаб клавесинани (пианинога ўхшаш мусиқа асбобини) чала бошлаган, эшитган мусиқа асарларини ҳайрон қоларли даражада дарров эсида қолдирган. Тўрт ёшида ўзи ҳам мусиқа асарлари ярата бошлаган. Гайдида тўрт ёшидаёқ мусиқага бўлган қобилият кўрина бошлаган. Прокофьев саккиз ёшида композитор бўлиб танила бошлаган.

Рассомлик соҳасида Рафаэлнинг ижодий қобилияти саккиз ёшида, Микеланжелода ўн уч ёшида, И.Е.Репин билан В.А.Серовда тўрт ёшида, В.И.Суриковда олти ёшида кўрина бошлаган. Александр Иванов ўн бир ёшидаёқ тасвирий санъат Академиясига кирган. Игор Грабар ўзи ҳақида: «Рассомликка неча ёшда ҳавас қўйганлигимни эслай олмайман, аммо расм солмаган вақтимни хотирлай олмайман», дейди.

Поэзия соҳасида Пушкин ва Лермонтовларнинг ижодий қобилиятлари жуда эрта кўрина бошлаган. Пушкин тўққиз ёшида Лермонтов ўн ёшида, АлишерНавоий 5 ёшида ижод қила бошлаган. Уларнинг 7-13 ёшларидаёқ асарлари босилиб чиқа бошлаган. Байрон билан Шиллер ўн олти ёшда ёза бошлаган.

Бизнинг мактабларимиздаги таълим-тарбия ишлари болаларга фақат билим бериш билангина чекланиб қолмай, балки болаларнинг барча қобилиятларини ўстиришни назарда тутган ҳолда олиб борилади.

Кишилар ўзидаги турли фаолиятларга бўлган туғма лаёқатларини жамоада, ўз устида тинмай ишлаш жараёнида рўёбга чиқарадилар. Мактаблардаги синф ҳамда жамоа, гуруҳлар, илмий тўғараклар, фан олимпиадаларига иштирок этиш, илмий анжуманларга иштирок этиш туғма лаёқатларни қулай имкониятларидир. Шунингдек, ўқув ва меҳнат фаолиятида одамнинг лаёқатлари уйғонади ва қобилиятлари ўсади, халқ талантлари шулар жараёнида ошкор бўлади.

Ҳар бир шахснинг ўзи фаол ҳаракат қилгандагина ижтимоий муҳит, ўқиш ва тарбия кишининг лаёқатини уйғотмоғи ва истеъдод ҳамда қобилиятларини ўстирмоғи мумкин. Кишининг қобилиятлари унинг фаолиятини белгилабгина қолмай, балки кишининг қобилиятлари мана шу фаолиятда ўсади ва таркиб топади.

Кишининг ўз фаолиятига қандай муносабатда бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Агар киши ўз ишини севиб, меҳр билан қилса, у вақтда кишининг бу соҳадаги салоҳиятлари кучлироқ юзага чиқа бошлайди, унинг қобилият ва маҳорати тезроқ ўсиб боради. Ишга муҳаббат қўйиш – у ишга қизиқиш, ҳавас қўйиш демакдир. Шу сабабдан кишининг қобилияти унинг қизиқиш-ҳаваслари билан мустаҳкам боғлиқ ва қизиқишнинг ўсиб боришига қараб, киши қобилияти ҳам ўсиб боради. Қизиқишлар эса ҳаммадан кўра кўпроқ, фаолият жараёнида ва ўсиб бораётган қобилиятларга боғлиқ равишда ўсади.

Юксак ва олижаноб мақсадлар кишининг барча руҳий куч ва қобилиятларининг ўсишига катта стимул бўлиб хизмат қилади.

Айрим вақтларда кишининг қобилияти билан ҳаваслари бир-бирига мос бўлмаслиги ҳам мумкин, масалан, киши маълум бир соҳада қобилият кўрсатади, айти вақтда бошқа бир соҳага ҳам қизиқади. Бундай ҳодиса кўпроқ кишининг қобилиятлари ҳали тўлиқ таркиб топиб етмаган ва ошкор бўлмаган даврларда учрайди.

Психологияда ижодийлик биринчи марта 1950 йилда илмий ўрганилган. Машҳур америкалик психолог Дж.Гильфорд ўша йили Америка психологлар ассоциациясининг конгрессида ижодий тафаккур ва ижодий жараён ҳақида маъруза қилиб бу соҳага олимларнинг диққатини тортди.

Дж.Гильфорд бу соҳада чуқур изланишлар олиб бориб, 1967 йилда креатив тафаккурни шакллантирувчи ва аниқловчи тестлар дастасини ишлаб чиқди.

Ижодий тафаккур бу кишилардаги ақлий фаолиятнинг асосий характеристикаси бўлиб, тафаккурнинг индивидуаллигини характерлайди. Дж.Гильфорд фарзича интеллект тузилиши моделининг таҳлили бу жараённи танинлайди. Дж.Гильфорднинг интеллект модели уч ўлчовли ўзгарувчанликка эга бўлган тўғри бурчакли геометрик шаклдир. Бунда барча ақлий қобилият ва ҳаракатлар уч ўлчовга биноан муайян шаклга келтиради. Булар: а) ақлий жараёнлар; б) ақлий қониқиш; в) ақлий натижалардир.

Дж.Гильфорд фарзича ақлий жараёнларга қуйидагилар киради:

1. Билиш қобилияти (кашфиёт ёки ниманидир эътироф этиш).
2. Хотира (муаммони эсда сақлаш).
3. Дивергент тафаккур (муаммо юзасидан турли ечимларни излашда ва бошқаришда намоён бўладиган тафаккур).
4. Конвергент тафаккур (муаммонинг ечимини фақат битта, ягона йўл билан топишда ифодаланадиган тафаккур).
5. Баҳолаш (яхши ва энг тўғри фикрлаш, яқинлашиш, айнан ўхшаш ва бошқалар билан белгиланади).

Ақлий қониқишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Расмли (улар кўрув идрокини бошқариш орқали объектнинг хажмини, шаклини, рангини, тўзилишини акс эттиради).
2. Символик (математикада келишилган символларни ёки ёзувларни сонларни ифодалайди).
3. Маънавий (адабиётда тип ва образларни ифодалайди).

4. Ахлоқий (ижтимоий онг, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий алоқа воситалари ва бошқаларда акс этади).

Ақлий натижалар эса олдиндан берилган икки ўлчовли усулга мисол бўла олади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўлчов бирлиги (ишлаб чиқарилган символлар ва шакллар).
2. Дарслар (ўлчов бирлигининг натижасидан тўзилади).
3. Муносабатлар (ўлчов бирлиги ва дарслар ўртасида тўзилади).
4. Системалар (ўлчов бирликларининг тўзилишини ижод қилишдан, барча хотималарни мустаҳкам ташкил этишдан келиб чиқади).
5. Қайта ўзгартиришлар (информация турини қайта ўзгартиришни ва ўзлаштиришни англатади).
6. Қатнашиш (бошқа, қўшимча информациялардан хулоса чиқариш).

Тажриба мақсади: шахснинг ижодий (креатив) тафаккур хусусиятларини аниқлаш.

Тажриба материали: Дж.Гильфорд креатив тафаккурни ўрганишга мўлжалланган 4 та субътести. Қалам, қоғоз ва тошириқда кўрсатилган материаллар.


Синалувчига кўрсатма: “Қуйида сизга ҳар бири 3 тадан субътестни ўз ичига олган 4 та тест берилади. Ҳар бир тестни кўрсатмага бноан бажаринг”.

Расмлар интерпритацияси: Бу нима? Бунда синалувчига 3 та расм ҳавола этилади, ҳар бирида маълум шакл ифодаланган. Синалувчига 2-3 минут вақт берилади. Шу вақт ичида синалувчи ушбу шакл нима эканлигини ифодаловчи жавобларни имкон даражада кўпроқ топиши керак бўлади. Масалан:

Тест №1


Расмлар интерпретацияси.

1.




1. Сувдаги айлана.
2. Қуёш системаси.
3. Ер ости чувалчанги ва ҳоказолар.

2.



1. Айлана ичида айланалар.
2. Канализация ичидаги иккита бочка
3. Тарелкадаги иккита олма ва ҳоказолар.

3.



1. Тоғлар.
2. Сув тўлқини.
3. Йўл ва ҳоказо.

Натижалар таҳлили: Синалувчининг расмлар бўйича жавоблари миқдори ажратилган вақт тугагач тўплаб олинади. Берилган жавоблар ичида янгича, ностандарт, оригиналлари ажратиб олиниб, миқдори аниқланади. Агар синалувчи қанчалик кўпроқ оригинал, янги жавоблар келтирган бўлса, у ижодий фиклаш хусусиятига эга эканлигини кўрсатади.

Тест № 2.

Предметлардан фойдаланиш тести.

Ушбу тестда синалувчига бир нечта реал предметлар ҳавола этилиб улардан фойдаланиш усуллари ҳақида ёзма жавоб бериш таклиф этилади.

- Масалан: 1) бўш шиша идиш
 2) катта мих
 3) дарахт апилкаси.

Ҳавола этилган предметларнинг ҳар бир гуруҳининг тавсифи учун 2 минутдан вақт ажратилади. Синалувчи ажратилган вақт оралиғида имкон даражада ушбу предметлардан фойдаланиш усулларини кўпроқ келтиришга ҳаракат қилиши лозим.

Масалан: 1) Бўш шиша идиш: уйнинг деворини кўтаришда, синдириб лупа қилишда, ҳамир ёйишда, пул ёки танга сақлашда, гул учун ваза, қурол сифатида, мусиқа чиқарувчи инструмент сифатида ва ҳоказо.

2) Мих-учли предмет сифатида, силарни айлантиришда, грабл учун тиш ясашда, илдирғич яшаш мақсадида, шифер қоқишда, қалин ёғочларни бирлаштиришда ва ҳоказо.

3) Дарахт апилкаси (қиринди) –ёнилғи, уй печкаси учун ўтин, спирт учун хом ашё, полни тозалаш мақсадида, ўйинчоқ ясашда, денгиз юзидаги нефтни йўқотишда, спорт ўйинларида, циркда ва ҳоказолар.

Ушбу тест натижалари ҳам ўзига хос тарзда таҳлил қилиниб, энг оригинал, қимматли фикр эглари алоҳида аниқланади.

Тест № 3.

Дедукция-Бунда синалувчига нарса ва ходисаларга алоқадор бўлган бир нечта сифат сўзлар ҳавола этилади. Синалувчиларнинг вазитфаси шу белгилар хос бўлган предметларни имкон даражада кўпроқ келтириб уларни ёзишдан иборат.

1. Қизил. 2. Юмалоқ. 3. Туганмас.

Бунда ҳам ҳар бир белги уун предметларни куелтиришга синалувчига 2 минутдан вақт ажратилади ва ўзига хос янги, оригинал, аҳамиятли фикрлар алоҳида ҳисобга олинади.

Масалан: 1) қизил-олма, кўйлак, мато, қон, қалампир, тарвўз, гул, машина, уй ва ҳоказо.

2) юмалоқ-ойна, тухум, ўзук, ғор, тоғора, геометрик шакл, айлана, қозон, доска ва ҳоказо.

3) туганмас, чексиз-фазо, вақт, кино, тарих, куйлар, ҳаво, сув, олов, коинот, олам, дунё ва ҳоказо.

Тест № 4.

Индукция-Ушбу тестда синалувчига бир нечта предметларнинг номи айтилади. Синалувчининг вазифаси ана шу предметлар қайси объектларга ва синфларга тегишли эканлигини топишдан иборат. Оригинал, янги, такрорланмас фикрлар натижалар таҳлилида алоҳида ҳисобга олинади.

1) олма, 2) бензин, 3) шаҳар.

Ушбу тестни бажаришда синалувчига ҳар бир предмет объекти ва синфини белгилаш учун 2 минут вақт ажратилади.

Масалан: 1) Олма - мева, ҳосил, озуқа, товар ва ҳоказо.

2) бензин - ёнилғи, суюқлик, тез ёндирувчи модда ва ҳоказо.

3) шаҳар - пойтахт, аҳоли яшаш жойи, Тошкент, савдо маркази, геометрик номланиш ва ҳоказо.

Дж.Гильфорд тести турли ёшдаги ўқувчиларнинг ижодий тафаккур хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек бу методика ёрдамида истеъдодли болаларни танлаш ишларини ҳам амалга ошириш мумкин.

Битирув малакавий ишимизнинг амалий қисмида Дж.Гильфорд “Креатив тафаккур тести” дан фойдаланиб ўсмир ўқувчиларнинг ижодий тафаккур хусусиятларини ўрганиш орқали улардаги ижодий қобилиятни диагностика қилиш ва зарур бўлган ҳолатда психокоррекцион ишлар олиб бориш бўйича тавсиялар беришни лозим топдик.

Ушбу методика бўйича тадқиқотларимизда Термиз шаҳар 7-умумий ўрта таълим мактаби 8-синфининг 50 нафар ўсмир ўқувчилар иштирок этдилар.

**Ўсмир ўқувчиларнинг Дж.Гильфорд “Креатив тафаккур тести”
бўйича кўрсаткичлари**

№	Синалувчилар	Субътестлар бўйича натижалар				Умумий балл	Ижодий қобилият даражаси
		1 - тест	2 - тест	3 - тест	4 - тест		
1	Х.М.	6	8	6	8	28	ўртачадан юқори
2	Э.Б.	6	7	5	7	25	ўртача
3	А.Й.	9	10	12	11	42	юқори
4	А.К.	8	8	7	7	30	ўртачадан юқори
5	Р.М.	6	5	5	8	24	ўртача
6	Б.А.	7	5	8	6	26	ўртача
7	Т.И.	7	8	8	8	31	ўртачадан юқори
8	К.А.	9	10	10	10	39	юқори
9	Ж.М.	4	6	5	5	20	ўртача
10	Ш.Н.	3	5	4	4	16	ўртачадан паст
11	П.Қ.	7	9	8	8	32	ўртачадан юқори
12	Т.Д.	5	6	4	9	24	ўртача
13	Ж.Ф.	2	3	1	1	7	паст
14	Ч.Д.	5	6	5	7	23	ўртача
15	А.У.	5	4	6	6	21	ўртача

16	Қ.О.	8	10	10	12	40	юқори
17	Ш.М.	8	7	8	8	31	ўртачадан юқори
18	А.А.	4	6	7	8	25	ўртача
19	Б.М.	8	7	9	9	33	ўртачадан юқори
20	Р.Ш.	3	4	5	3	15	ўртачадан паст
21	Т.Г.	6	8	6	6	26	ўртача
22	Б.Ш.	9	5	8	10	32	ўртачадан юқори
23	А.Г.	2	1	2	3	8	паст
24	И.М.	9	11	9	9	38	юқори
25	Х.А.	5	7	8	4	24	ўртача
26	Д.М.	3	5	2	4	14	ўртачадан паст
27	Х.Б.	5	5	6	7	23	ўртача
28	Ш.Ф.	2	1	3	3	8	паст
29	Э.Д.	6	4	5	5	20	ўртача
30	Р.С.	8	5	10	7	30	ўртачадан юқори
31	И.Д.	3	2	5	2	12	ўртачадан паст
32	М.М.	10	8	9	10	37	юқори
33	А.Р.	6	4	3	6	19	ўртача
34	Ж.О.	6	8	6	6	26	ўртача

35	А.О.	3	5	3	4	15	ўртачадан паст
36	А.Л.	6	8	5	11	30	ўртачадан юқори
37	Ш.М.	6	7	5	7	25	ўртача
38	М.С.	1	2	1	3	7	паст
39	А.И.	10	9	10	12	41	юқори
40	В.О.	5	4	6	7	22	ўртача
41	А.Э.	5	6	7	6	24	ўртача
42	Э.Н.	8	6	10	10	34	ўртачадан юқори
43	Қ.З.	3	4	6	2	15	ўртачадан паст
44	Х.Ш.	5	6	4	8	23	ўртача
45	Д.А.	8	8	8	8	32	ўртачадан юқори
46	Х.Ш.	2	1	3	2	8	паст
47	Ш.Д.	10	11	10	12	43	юқори
48	Й.Ф.	3	2	1	4	10	ўртачадан паст
49	Т.С.	5	6	6	7	24	ўртача
50	Қ.Ф.	9	10	10	11	40	юқори

Дж.Гильфорд тести бўйича натижаларни таҳлил қилишда қуйидаги мезонга асосландик:

1. 36 – 45 баллар ижодий қобилият даражаси юқори;
2. 27 – 35 баллар ижодий қобилият даражаси ўртачадан юқори;
3. 18 - 27 баллар ижодий қобилият даражаси ўртача;
4. 17 -9 баллар ижодий қобилият даражаси ўртачадан паст;
5. 8 балл ва ундан кам ижодий қобилият даражаси паст.


2.2.2-жадвал

Ўсмир ўқувчиларнинг Дж.Гильфорд “Креатив тафаккур тести” бўйича ижодий қобилият кўрсаткичлари

Ижодий қобилият Синалув- чилар сони	<i>Юқори</i>	<i>Ўртачадан юқори</i>	<i>Ўртача</i>	<i>Ўртачадан паст</i>	<i>Паст</i>
50	8	11	19	7	5
%	16%	22%	38%	14%	10%

Ушбу тест бўйича синалувчиларнинг натижажолари қуйидагича бўлди: 50 нафар синалувчидан 8 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи юқори, бу эса жами синалувчиларнинг 16 %ни, 11 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи ўртачадан юқори, бу эса жами синалувчиларнинг 22%ни, 19 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи ўртача, бу эса жами синалувчиларнинг 38 % ни, 7 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи ўртачадан паст, бу эса жами синалувчиларнинг 14%ни, 5 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи паст, бу эса жами синалувчиларнинг 10 % ни ташкил этди.

Синалувчиларнинг натижаларини куйидаги гистограммада кўргазмали ҳолда келтирамиз



II.3. Ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантиришда психологик масалалардан фойдаланиш

Ижодкорлик-кишининг ўз қизиқиши, ижодий намуналарига, янгликлар киритишга кенг имкониятлар очадиган машғулотлар билан шуғулланишга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган кишилар доимо ўзлари қизиққан соҳага ижодий ёндошиб, фаолиятида бирон бир ўзгариш ясаш, янгилик киритишга ҳаракат қиладилар.

Ижодий муҳит – ижодкор шахсни шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, жамоада соғлом муҳитни яратиш орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ўзаро ҳамкорлик асосида муаммоларни ечимларини топиш, аниқ мақсадли натижаларни кафолатлаш демакдир.

Ўсмир ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ривожланиши турли омилларга боғлиқ бўлади. Энг муҳими бу жараён ноодатий вазиятларда ўз имкониятларини тўғри йўналтира олиш билан белгиланади.

Битирув малакавий ишимизда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, диагностик тадқиқотимизнинг иккинчи босқичида ўсмир ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини психологик масалаларни ечиш хусусиятларини текшириш орқали баҳолашга ҳаракат қилдик. Маълумки

психологик масалалар асосан муаммонинг ечимига янгича, ноодатий ёндошувни талаб қилади.

Тадқиқотимизнинг бу босқичида синалувчи гуруҳимииздаги ўсмир ўқувчиларга 10 та психологик масала тақдим этдик. Ҳар бир масаланинг жавоби 10 баллик тизимда баҳоланди. Бунда, агар топшириқ тўғри ечилган бўлса – 10 балл, тўғри жавобга яқинроқ жавоб – 7 балл, биров яқинроқ жавоб – 5 балл билан баҳоланади.

Психологик масалалар бўйича синалувчиларнинг тўплаган баллар куйидаги мезон бўйича баҳоланади:

- 75-100 баллар – ижодий қобилияти юқори;
- 60-74 баллар – ижодий қобилияти ўртачадан юқори;
- 45-59 баллар – ижодий қобилияти ўртача;
- 30-44 баллар – ижодий қобилияти ўртачадан паст;
- 29 ва ундан кам балл – ижодий қобилияти паст.

Қуйида психологик масалалар ва уларнинг тўғри жавобларини келтириб ўтамыз:

1. Абдулла отанинг товуқ ва қўйларининг боши 170 та, оёқларининг сони 480 та. Абдулла отанинг нечта қўйи ва нечта товуғи бор?

Масаланинг жавобини топинг ва бу каби масалалар фикр юритишнинг қандай сифатларини талаб этишини аниқланг.

2. Скамейкада бир йигит билан бир қиз ҳордиқ чиқариб ўтирган экан, йўловчи қиздан бу ким деб савол билан мурожаат қилганида, у шундай жавоб қайтарибди: “Бу йигитнинг онаси менинг онамнинг қайнонаси”. Муаммо ўз ечимини кутади, қиз ким билан ўтирган экан?

3. Китоб жавонида танланган асарларнинг икки томи турарди. Биринчи томи 300 бетдан, иккинчи томи эса 200 бетдан иборат. Жавонда китоб қурти пайдо бўлиб, китобларни кемира бошлади. У биринчи томнинг биринчи бетидан иккинчи томининг сўнгги бетигача кемириб ташлади. Китоб қурти неча бетни кемирган?

Бу саволга: "Беш юз бет" деб бериладиган энг тўғри туюлган жавоб нотўғри бўлиб чиқади. Масалани тўғри ҳал қилиш учун одатда китоб жавонига китоблар қай хилда қўйилишини тасаввур қилиб кўриш керак. Ўшанда йўл қўйилган хато тушунарли бўлади-қолади. (Тўғри жавоб: "Китоб курти китобнинг бир бетини ҳам кемира олмаган, чунки китобни оддийгина тахлаш сўнгги бети ўртасида фақат муқовагина бўлади, холос").

4. А шаҳардан Б шаҳаргача 120 км. А шаҳардан Б шаҳарга қараб поезд жунайди ва йулда тўхтамасдан соатига 30 км тезлик билан боради. Айни ўша вақтнинг ўзида Б шаҳардан А шаҳарга қараб бир қалдирғоч соатига 60 км тезлик билан учади. У поездгача учиб боргач, яна орқасига қайрилиб Б шаҳарга қараб учади. Б шаҳарга етиб келгач, яна поезд томонга қараб учади ва поезд билан учрашгач, яна орқасига қайтиб Б шаҳар томонга кетади ва хоказо. Шундай қилиб, қалдирғоч поезд то Б шаҳарга етиб келмагунича унинг истиқболига учиб бориб, яна орқасига қайтаверади. Қалдирғоч неча км масофани учиб ўтган?

Башарти, биз қалдирғоч билан поезд неча бор учрашганлигини кўз олдимизга келтиришга уринадиган бўлсак, масалани ечиб бўлмайди. Бирок масала оддий арифметик ҳисоблаш йўли билан ечилади. Соатига 30 км тезлик билан ҳаракат қилаётган поезд Б шаҳарга орадан 4 соат (120:30) ўтгач, етиб келади. Қалдирғоч эса соатига 60 км тезлик билан учганлиги учун, ҳавода 4 соат бўлгани сабабли у 240 км масофани босиб ўтади.

Бу масала ҳал қилиб бўлинганидан кейин ҳал этиш жараёнини анализ қилиб чиқиш ва ҳар бир масалани ечишда тасаввур қандай роль уйнаганини аниқлаш мумкин.

Фикрий масалаларни ҳал этиш вақтида тасаввурнинг ижобий ва салбий роль ўйнаши мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқариб мазкур ҳолатни кўрсатиб берадиган мисолларни мустақил равишда танлаш мақсадга мувофиқдир.

5. Педагогика институтининг талабалари эстрада квартети ташкил этдилар. Михаил саксафон чалади. Пианист физика факультетида ўқийди.

Ударник чалувчининг исми Вали эмас, география факультетида ўқийдиган студентнинг исми Лочин эмас. Мурод тарих факультетида ўқимайди. Алишер пианист эмас ва у биолог ҳам эмас. Вали физика факультетида ударник (уриб-чалувчи) эса-тарих факультетида ўқимайди. Лочин контрабас чалмайди. Вали қандай мўзика асбоби чалади, у кайси факультетида ўқийди?

Мухокаманинг бориши. "Студентларни улар исмининг бош харфлари билан: М,Л,А,В деб атаймиз. Улар чаладиган мўзика асбобларини эса уша асбобларнинг бош харфлари билан: С, П, У, К деб оламиз. Улар ўқийдиган факультетларни ҳам бош харфлар билан: Ф, Г, И, Б деб белгилаймиз. Унда куйидаги мумкин бўлган вариантлар хосил булади:

М	С	ФГБ
Л	УП	ФИБ
А	КУ	ФГИ
В	ПК	ГИП

Фортепяно чаладиган студент физика факультетида ўқийди, бинобарин, унинг исми Лочин. У холда Алишер- ударник (уриб чалувчи), у география факультетида ўқийди. Биология факультетининг студенти фақат Мурод булиши мумкин. Шундай килиб, Вали контрабас чалади ва у тарих факультетида ўқийди".

6.Рақамлар алмашинувидаги қонуниятни аниқланг ҳамда сўроқ белгиси ўрнидаги етишмаётган рақамни топиб ёзинг:

7	9	5	11
4	15	12	7
13	8	11	?

Жавоб: Охирги устундаги хар бир рақам тегишли қатордаги дастлабки икки рақамнинг бир-бирига кўшилган йиғиндисидан учинчи рақамни олиб ташланган айримасига тенгдир. Қидирилаётган рақам-10.

7. Икки киши дарё соҳилига келди. Қумлоқ соҳилда бир қайиқ бўлиб, унга фақат бир киши сиғар эди. Йўловчиларнинг иккаласи ҳам шу қайиқда

дарёдан утишди ва ўз йулларини давом эттиришди. Бу ишни улар қандай қилиб бажаришди?

Жавоб: Йўловчилар дарёнинг турли соҳилларидан келишган эди. Дастлаб уларнинг бири, сўнгра эса иккинчиси қайиққа ўтириб, дарёдан кечиб ўтади. Масалани ҳал этишга дастлабки жумла ("Икки киши дарё соҳилига келди" деган бир қолипдаги шаблон гап) ҳалал беради. Чунки бу жумлани ўқиган киши икки йуловчи бир томонга қараб кетаётган экан, деган фикрга келади.

8. Қаламни қоздан ўзмаган ҳолда қандай қилиб, квадратнинг тўртта нуқтасини учта тўғри чизиқ билан кесиб ўтиш ва яна дастлабки жойга қайтиб келиши мумкин?

Жавоб: Бу ерда нуқталар билан чегаралаб қуйилган фазодан ташқарига чиқиш мумкин эмас, деган шаблон-бир қолипдаги тушунчадан воз кечиб масалани худди расмда курсатилганидек ҳал этиш лозим.

9. Ёғочни йигирма бўлакка бўлиш учун уни неча марта аралаш керак бўлади?

Бу ерда тўғри жавоб 19 марта.

10. Отасининг ёши 24 да. Катта ўғлининг ёши саккизда, кичик ўғлиники эса 6 ёшда. Неча йилдан кейин ўғилларининг ёшларининг йиғиндиси отасининг ёши билан тенг бўлади?

2.3.1-жадвал

Психологик масалалар бўйича синалувчиларнинг натижалари

№	Психологик масалалар										Натижа
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
1	-	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
2	10	5	5	10	10	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори
3	10	10	10	7	5	10	5	10	10	10	юқори
4	10	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
5	10	5	5	7	10	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори

6	5	5	-	5	5	5	5	-	5	7	ўртачадан паст
7	7	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
8	-	5	5	5	10	10	5	7	5	5	ўртача
9	10	10	5	7	5	10	5	10	10	10	юқори
10	5	7	-	5	5	5	5	5	5	-	ўртачадан паст
11	7	5	5	10	10	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори
12	-	5	5	5	10	7	5	7	5	5	ўртача
13	5	5	7	5	5	5	5	-	-	-	ўртачадан паст
14	5	5	5	5	5	5	5	5	-	-	ўртачадан паст
15	10	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
16	5	5	5	10	10	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори
17	5	5	-	5	5	5	-	-	5	7	ўртачадан паст
18	10	10	5	7	5	5	5	10	10	10	юқори
19	7	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
20	-	5	5	5	10	10	5	7	5	5	ўртача
21	5	-	5	-	-	-	5	5	-	5	паст
22	5	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
23	7	5	-	-	5	5	5	-	5	7	ўртачадан паст
24	10	10	10	7	5	7	5	7	10	10	юқори
25	10	5	5	10	7	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори
26	10	10	10	7	5	10	5	10	7	10	юқори
27	10	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
28	-	-	5	5	5	-	7	5	-	-	паст
29	5	5	5	10	10	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори


30	5	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
31	7	10	10	7	5	10	5	10	10	10	юқори
32	-	5	5	5	10	7	5	7	5	5	ўртача
33	-	5	7	5	5	5	5	-	5	7	ўртачадан паст
34	10	5	5	10	10	7	7	5	7	5	ўртачадан юқори
35	10	10	10	7	5	10	5	7	7	10	юқори
36	10	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
37	-	5	5	5	10	5	5	7	5	5	ўртача
38	5	5	-	5	5	5	5	-	5	7	ўртачадан паст
39	7	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
40	10	5	5	7	10	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори
41	5	5	-	-	5	5	-	-	5	-	паст
42											юқори
43	-	5	-	5	5	5	5	-	5	7	ўртачадан паст
44	7	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
45	5	5	5	10	10	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори
46	5	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
47	7	7	10	7	5	10	5	10	10	10	юқори
48	7	-	-	5	5	5	-	5	-	-	паст
49	10	5	5	5	10	-	5	7	5	5	ўртача
50	10	5	5	10	10	7	7	5	10	5	ўртачадан юқори

Ўсмир ўқувчиларнинг психологик масалалар бўйича ижодий қобилият кўрсаткичлари

Ижодий қобилият	<i>Юқори</i>	<i>Ўртачадан юқори</i>	<i>Ўртача</i>	<i>Ўртачадан паст</i>	<i>Паст</i>
Синалувчилар сони	9	10	18	9	4
50	9	10	18	9	4
%	18%	20%	36%	18%	8%

Ушбу тест бўйича синалувчиларнинг натижажолари қуйидагича бўлди: 50 нафар синалувчидан 9 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи юқори, бу эса жами синалувчиларнинг 18 %ни, 10 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи ўртачадан юқори, бу эса жами синалувчиларнинг 20%ни, 18 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи ўртача, бу эса жами синалувчиларнинг 36 % ни, 7 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи ўртачадан паст, бу эса жами синалувчиларнинг 14%ни, 4 нафарида ижодий қобилият кўрсаткичи паст, бу эса жами синалувчиларнинг 8 % ни ташкил этди.

Синалувчиларнинг натижаларини қуйидаги гистограммада кўргазмали ҳолда келтирамиз



Хулоса қилиб айтганда тадқиқот юзасидан олиб борган амалий ишларимиз ўсмир ўқувчилар ижодий қобилиятининг тест натижалари бўйича баҳолаганимизда хилма хил кўрсаткичларга эга эканлиги маълум бўлди. Дж.Гильфорд “Креатив тафаккур” тести ҳамда психологик масалалар бўйича ўқувчиларнинг натижалари бир-бирига яқин эканлиги, бу икки усулнинг ҳар бири ижодий қобилиятларни ўрганиш имконини беради деган хулоса чиқаришимизга асос бўла олади. Демак, ўсмир ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўрганишда, шунингдек, ижодий қобилиятларни шакллантириш мақсадларида ушбу методикалардан фойдаланиш яхши натижалар бера олади.

ХУЛОСА

Ижодийлик муаммоси психологияда кенг ўрганилган муаммо сифатида уни диагностика қилиш ва ривожлантириш воситалари ҳам турли тадқиқотчилар томонидан яратилган. Гуманистик психология асосчиларидан К.Роджерснинг фикрича ижодийлик инсонга туғма йўл билан берилади, аммо ҳаёт давомида ижодий қобилиятнинг ривожланишида учрайдиган тўсиқлар унинг ривожланишини сусайтиради, баъзан эса тутунлай ижодийликнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Ижодий қобилият ва истеъдоднинг рўёбга чиқишида инсоннинг муайян фаолиятига қизиқиши билан бир қаторда унинг ўз устида ишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Истеъдодли кишилар ўз истеъдодлари – иқтидор кучини тўла рўёбга чиқариш учун ўз устларида тинмай ишлашлари, меҳнат қилишлари шарт.

Битирув малакавий ишимизда ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий психологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида муаммони назарий ва амалий жиҳатлар ёритишга ҳаракат қилдик.

Ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик муаммолари деб номланган биринчи бобда ўсмир ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ва иқтидорини ўрганишнинг назарий жиҳатларига тўхталдик.

Битирув малакавий ишимизнинг ўсмирларнинг ижодкорлик қобилиятларини диагностика қилишнинг психодиагностик усуллари деб номланган учинчи боби амалий қисмга бағишланган бўлиб, унда иккита психодиагностик восита орқали ўсмир ўқувчиларда ижодий қобилиятларининг ривожланганлик даражасини ўргандик.

Олиб борган тадқиқотимиз асосида қуйидаги хулосаларга келидик:

1.Ўсмир билан муносабатда бўлишда сабр-тоқат, вазминлик зарур. Унга мустақиллик бериш, буйруқ эмас, аксинча, маслаҳат бериш бу ёшдаги ўқувчиларнинг ижодий тўғри тарбиялашнинг гарови ҳисобланади.

2.Ўсмир ўқувчилар шахсининг шаклланишида фаолият ўзига хос, муҳим хусусиятга эгадир. Зеро, шахс фаолият ёрдамидагина ижтимоий борлиқ билан бўладиган муносабатни йўлга қўяди, шу асосда унинг ижодий қобилияти ривожланади.

3.Ўсмир ўқувчилар ижодий қобилияти ва истеъдодининг рўёбга чиқишида муайян фаолиятига қизиқиши билан бир қаторда унинг ўз устида ишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

4.Ўсмирлар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий психологик хусусиятларини ўрганиш орқали уларнинг имкониятларини рўёбга чиқаришнинг психологик шарт-шароитларини белгилаш мумкин.

ТАВСИЯЛАР

1. Табиийки, ўқувчиларнинг ўз мақсадларига эришишлари учун таълим масканида олган билим, кўникма ва малакалари камлик қилади. Улар юксак мақсад йўлида ўз устиларида тинмай изланишлари, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишлари ўзларининг ижодий қобилиятларини ривожлантиришлари лозим.

2. Фанларда ўзлаштира олмаган ўқувчиларни қобилиятсиз дейиш хато, ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси – ҳар бир ўқувчининг ёш ва психологик хусусиятини чуқур ўрганиш, унинг қизиқиши ва истакларини аниқлаш, уларни ҳисобга олган ҳолда педагогик чора-тадбирларни кўришдир.

3. Ўсмир ўқувчилар ижодий қобилиятининг ривожланиши учун фаол кундалик фаолият зарур. Фаолият ёрдамидагина ўсмирлар атроф-муҳит билан муносабатни ташкил этади, шу орқали унинг ижодий қобилияти ривожланади, характер сифатлари такомиллашиб, камол топади.

4. Бундан ташқари ўсмир ўқувчилар ижодий қобилиятининг ривожланиши учун ўсмирлар билан индивидуал фаолият олиб бориш; аудиториядан ташқари педагогик- психологик ишларини такомиллаштириш; мустақил фикрлаш жараёнини ривожлантириш; ўсмирларнинг бўш вақтини мақсадли режалаштириш.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 1997. 29 август.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Т., 1997. 29 август.
3. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли қарори.
4. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли қарори.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.– 351 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон 1999.
11. Ал-Фараби. Историко-философические трактаты.–Алма-ата:Наука, 1985.–С.18
12. Давлетшин Г.М. Таълимнинг психологик асослари. Тош. 1990 й.
13. Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, “ЎАЖБНТ” маркази, 2002. – 205 б.


14. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт: Университетлар ва педагогика институтлари учун ўқув қўлланма. – Т.: “Университет”, 1999. – 96 б.
15. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2005. – 208 б.
16. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Т.: 1994.
17. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т., 2000.
18. Каримова В.М. ва б.қлар. Муцақил фикрлаш. — Т., 2000.
19. Каримова В., Суннатова Р. Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма - Т., 2000.
20. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. "Ўқитувчи", Т., 1992.
21. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. Тошкент. "Ўқитувчи". 1990.
22. Ғозиев Э.Ғ. Психология. Т., 1994 й.
23. Ғозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси. Т., 1997 й.
24. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. – Т., 2001.– 241 б.
25. Ғозиев Э.Ғ. Хотира психологияси. – Т., 2000.– 254 б.
26. www.inetlibrary.com. Internet-kutubxona
27. www.ziyonet.uz
28. [www google. uz](http://www.google.uz)
29. www.expert.psychology.ru
30. www.psychology.all.ru
31. www.psychology.net.ru
32. www.psy.piter.com

ИЛОВА

Интеллектуал психологик топишмоқ

О... ни ишлатиб, Д... ни тўплаб, И...дани мустахкамлаб, эшитган, ўқиганини И... қилиб, Х...ишга тушириб, Т... тахлил этиб, олинган натижани Ҳ... билан айтиб бериш жараёни бу И... дир. Ишлатилган сўзларни қуйидаги пирамидага қўйиб чиқсангиз, дарсни ташкил этишнинг “Олтин қоида”ларидан бири (психологик)келиб чиқади.


Сизга омад ёр бўлсин!



Дарс ўтишнинг “Олтин қоидаси” – психологик қатор

Интеллектуал психологик топишмоқнинг жавоби

Онгни ишлатиб, Диққатни тўплаб, Иродани мустахкамлаб, эшитган, ўқиганини Идрок қилиб, Хотирани ишга тушириб, Тафаккур тахлил этиб, олинган натижани Ҳиссиёт билан айтиб бериш жараёни бу Имтихондир. Ишлатилган сўзларни қуйидаги пирамидага қўйиб чиқсангиз, дарсни ташкил этишнинг “Олтин қоида”ларидан бири (психологик)келиб чиқади.



Қобилият ва унинг хусусиятлари

